

25
(1343)-son
22-iyun
2018

Xabar

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ

СОНДА:

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Тошкентда "Хавфсиз поймахт" концепцияси жорий этилади **2-бет**

НАЗОРАТ

АКТ барча соҳа учун зарур **4-бет**

XARID.UZ

Новая биржевая модель электронной коммерции **6-бет**

МАСЛАХАТ

Компьютер ишлашини тезлаштиришнинг 10 усули **11-бет**

ТЕХНОЛОГИЯЛАР

"Xiaomi" яна бир чўнтакбоп смартфон тақдим этади **12-бет**

МУТОЛАА

Сирли клуб (Детектив) **14-бет**

ҚУТЛОВ

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз журналистлар! **16-бет**

МИЛЛИЙ ПОЧТА

uMail.uz

почтаси ташкил этилганига **5 йил тўлди.** Почта кутиси ҳажми — **2 Гб.** Битта почтанинг максимал ҳажми — **20 Мб.** 21 июн ҳолатига кўра, uMail.uz фойдаланувчилари сони — **589 653** нафар.



104 НАФАР МАГИСТР КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида 20 июн куни магистрларга диплом топириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимга Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўртамахсус таълим вазирлиги ҳамда соҳанинг етакчи корхона ва ташкилотлари раҳбарлари таширф буюрди.

Маросимда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва-

зири А.Ахмедхаджаев, университет ректори Т.Тешабоевлар сўзга чиқиб, магистрларни табрикладилар, уларга келгуси фаолиятларида омадлар тилашди.

Магистр — бу кенг илмга эга бўлган, замонавий ахборот технологиялари билан ҳамнафас, илмий тадқиқот ишларига тайёр бўлган мутахассисдир.

ТАТУда магистрларга билим бериш борасида юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш асосий мақсад қилиб олинган.

3-бет ▶

ТАВСИЯ

КУН ТАРТИБИДА БОЛАЛАР ҲИМОЯСИ

Виртуал тарбия борасида муҳим тажрибалар

Бугун глобал тармоқдан кутилган ва кутилмаган, исталган ва исталмаган барча нарсани топасиз. Баъзан кераклигидан кераксиз кўпдай туюлади. Табиийки, бундай ахборотлардан болаларни муҳофаза қилиш фақатгина ота-оналарнинг вазифаси эмаслиги аниқ ва равшан!

Бу сайт яратувчилари, интернет провайдерларининг ҳам муаммоси. Қолаверса, ушбу мавзуда баҳс-мунозаралар ҳали ҳамон давом этапти. Кимдир интернетга филтр қўйиш кераклигини айтмоқда. Тўғри, шунда болаларнинг фақат белгиланган контентга кириши имкони бўлади. Бироқ филтрни ҳамма жойга ҳам қўйишнинг имкони йўқ. Қолаверса,

тақиқланган мева ширин бўлади, деган гап бор. Демак, битта йўли қолади. Маърифий йўл! Яна ҳам аниқроғи, ахборотни қабул қилиш ва унинг "ҳазми" жараёнида тўғри қарор қабул қила олиш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантириш. Бу эса бир-бирини тўлдириб боргани ҳолда, оилада, маҳаллада, таълим муассасасида шаклланади. Шунда фарзандларимизнинг ички филтри ишлай бошлайди. Бу филтр компьютер саводхонлиги, тарқатилаётган ахборотга нисбатан танқидий ва мулоҳазали ёндашув сингари жиҳатларга асосланган табиий филтрдир. Нафақат интернет орқали, балки бошқа томондан келадиган салбий ахборотлар ҳам ундан ўтиб кетолмайди.

5-бет ▶

ДАСТУРЛАШГА ЎРГАТУВЧИ ЭНГ ЯХШИ 9 ЎЙИН

Ёзги таътил вақтида болалар бирор юмуш билан банд қилинмаса, уларни назорат қилиш осон кечмайди. Бугунги ёш авлод ахборот технологиялари курсида улгаймоқда.

Истаймизми-йўқми улар компьютер ўйинлари қаршисида кўп вақтини ўтказишади. Бу ҳолатдан қандай қилиб самара чиқариш мумкин? Биз сизга болаларни дастурлашга ўргатувчи энг яхши ўйинларни тавсия қиламиз.


Фарзандингизни келажакда АКТ соҳаси мутахассиси ролида кўрмасангиз ҳам, уларнинг бу билимларни эгаллашига монъелик қилманг. Чунки дастурлаш мантиқий фикрлашни ва ўз хатти-ҳаракатларини режалаштириш қобилиятини ривожлантиради. Қуйида тавсия этиладиган ўйинларда ёш у қадар чегараланмаган ва уларни икки ёшли болакай ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам бирдай ўйнаши мумкин.

7-бет ▶

ТАНЛОВ



Ўзбекистонлик қизлар илк маротаба "TECHNOVATION" танлови халқаро финалида қатнашади **3-бет ▶**



ТОШКЕНТДА "ХАВФСИЗ ПОЙТАХТ" КОНЦЕПЦИЯСИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

➤ 2018 йил 16 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоган ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқот давомида икки давлат раҳбарлари савдо, инвестиция, банк-молия, транспорт, туризм, инфратузилма ва бошқа муҳим соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини атрафлича муҳокама қилдилар. Шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича фикр алмашилди.

➤ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Исландия Президенти Гвидни Йоханнессонни 17 июн — Республика эълон қилинган кун мубоабати билан табриклади.

➤ 20 июн куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакатни ривожлантиришнинг бугунги босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва амалга ошириладиган ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни жалдлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

➤ Сурхондарё вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислам Республикаси давлат идоралари ҳамда ҳусусий сектор вакиллари ўртасидаги мулоқотнинг биринчи давраси бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон ва Афғонистон савдо-саноат палаталари ўртасида мамлакатимизда ишбилармонлар кенгашини тузиш бўйича меморандум имзоланди. Икки мамлакат ишбилармонлари кўплаб соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан манфаатли битимлар тузди.

➤ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чоп этилди.

➤ Тошкент шаҳридаги "Wyndham" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Испания инвестиция ва экспорт агентлиги (ICEX) томонидан "Кўп томонлама ҳамкорлик" мавзусида Ўзбекистон — Испания бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патрул гуруҳлари тузилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2018 йил 1 июлдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимига қўйиладиган назарда тутадиган "Хавфсиз пойтахт" концепцияси эксперимент тарихида жорий этилади:

■ соат 16.00дан 8.00га қалар вақт оралигида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камиди 70 фонзини, шунингдек, жамоатчилик вакилларининг жалб қилиш орқали куну тун уч сменали патрул режими ташкил этиш;

■ ички ишлар ва прокуратура органларининг профилактика, тезкор ва тергов бўлинмалари, маъмурий судлар, ад-

вокатура, шунингдек, суд-тиббий экспертиза хизматлари ходимлари томонидан сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат фаолиятини тўлиқ амалга ошириш, кейинчалик сутканинг кундузги вақтида ўн олти соат давомида уларни бевосита хизмат вазибаларини бажаришдан озод этиш;

■ ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида ички ишлар органлари бўлинмалари, биринчи навбатда, жамоат тартибини таъминлаш кучларининг патрул гуруҳлари ҳодиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга максимал тезкорлик билан етиб боришни таъминлаш.

Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патрул гуруҳлари тузилади.

Ушбу гуруҳлар таркиби:

■ муддатли ҳарбий хизматни ўташ ниятида мулофаа ишлари бўйича туман бўлимига мурожаат қилган ҳарбий хизматта қақирилувчилар;

■ республика олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек, ички ишлар органла-

рининг таълим муассасаларига кириш истагини билдирган номзодлар;

■ ички ишлар органларида хизмат қилиш истагини билдирган номзодлар орасидан шакллантирилади.

Жамоатчилик гуруҳларининг ҳар бир аъзоси сутканинг кечки ва тунги вақтида белгиланган йўналиш бўйича умумий 100 соатдан кам бўлмаган вақт миқдоридида патруллик қилишга жалб этилади ва бу хизматта (ўқишга) ҳужжатларни яқуний қабул қилишга асос ҳисобланади.

2018 йил 1 августдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибидида хизмат олиб бораётган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга ҳар ойлик иш якуни бўйича патруллик ҳудудида оғир ва ўта ўғир жиноятларга бевосита чек қўйганлиги, уларни аниқлаганлиги ёки фотс этганлиги, шунингдек, тергов ва суддан яширинган шахсларни ушлаганлиги учун лавозим маошининг 50 фоизгача бўлган миқдорда бир марталик пул мукофоти берилди.

ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИ ЭЛЕКТРОН САВДОДА СОТИЛАДИ

"Давлат мулки объектларини сотиш ва давлат мулкини ижарага бериш бўйича электрон савдолар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Хукумат қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан "Давлат мулки объектларини сотиш ва давлат мулкини ижарага бериш бўйича электрон савдолар ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, савдоларни ўтказиш учун сотувчи (ижарага берувчи):

■ оператор билан веб-

порталда савдоларни ўтказиш бўйича электрон хизматлар кўрсатилиши бўйича шартнома тузади;

■ аукцион (танлов) санасини белгилайди;

■ очик аукцион (танлов) ўтказилишидан камиди 15 кун олдин "Биржа" газетасида ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг даврий матбуот нашрларида

ҳамда ўзининг расмий веб-сайтида очик аукцион (танлов) тўғрисидаги билдиришномани эълон қилади.

Аукцион иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиш учун веб-порталда савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклда буюртманомани рўйхатдан ўтказиш лозим.

Буюртманомана ЭРИ (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланади ва унга зақалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг электрон (сканер қилинган) нусхаси илова қилинади.

ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ҚАТЪИЙ НАРХЛАРДА СОТИШ ТАЛАБИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

"Дори воситаларини давлат рўйхатдан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тўғрисидаги талаб бекор қилинди.

Ижтимоий дорихоналар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш уларнинг сотиб олиш қиймати ёки улгуржи нархга 10 фоиз чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширилиши белгиланди.

104 НАФАР МАГИСТР КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛ ОЛДИ

◀1-бет.



Университетда 1999-2000 ўқув йилида магистратура бўлими очилган бўлиб, ўтган йиллар давомида 2400га яқин малакали кадрлар тайёрланди. Бу йил эса ўнта мутахассислик бўйича 104 нафар магистр диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, магистр даражасига эга бўлди.

Уларнинг диссертациялари юқори даражада тайёрланганлиги Давлат аттестацияси комиссияси томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Айниқса, 40га яқин магистрлик диссертацияларининг чет тилларида ҳимоя қилинганлиги эътиборга сазовордир.

Университетда магистрларнинг билим олишлари ва илмий фаолият олиб

боришлари учун ҳамма имкониятлар яратилган. Бугунги кунда катта фондга эга ахборот-ресурс маркази, виртуал лаборатория ишлари ва маъруза матнлари билан бойитилган электрон кутубхона магистрлар хизматида. Бундан ташқари, интернет тизимидан кенг фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган.

Магистрлар хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юрларида ҳам малакаларини ошириб келмоқдалар. Шунингдек, ТАТУ магистратураси мутахассислар тайёрлашда республика ҳудудида жойлашган хорижий компаниялар, фирмалар ва банкларнинг филиаллари билан ҳамкорлик қилади.

Ўз мухбиримиз

ҲАМКОРЛИК

"BIG DATA" ВА "БУЛУТЛИ ҲИСОБЛАШ" ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ



Сайёрамиз бўйлаб ахборот-маълумот ишлаб чиқариш жараёни кескин ошган бугунги кунда "big data" ёки "салмоқли маълумот" ривожланишнинг навбатдаги омилига айланди.



Пойтахтимизда Халқаро электрон ахборот-коммуникация технологиялари конференцияси МДХ ҳамда Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари учун "Салмоқли маълумот" ва "булутли ҳисоблаш" мавзусида ҳудудий семинари ўтказилди. Тадбир Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Тадбирда Озарбайжон, Афғонистон, Бангладеш, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия каби мамлакат-

ларнинг етакчи ахборот-коммуникация технологиялари экспертлари, миллий статистика хизматлари мутахассислари, телекоммуникация операторлари ҳамда ишлаб чиқарувчилари, илмий ва лойиҳавий институтлар вакиллари, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари иштирок этди.

Сайёрамиз бўйлаб ахборот-маълумот ишлаб чиқариш жараёни кескин ошган бугунги кунда "big data" ёки "салмоқли маълумот" ривожланишнинг навбат-



даги омилига айланди. Бу тренднинг йирик йўналиш эканини ҳисобга олиб, икки кунлик семинарда мавзулар турта қисмга бўлинган ҳолда муҳокама қилинди. Жумладан, Big Data: аниқлаш ва татбиқ қилишга мисоллар; булутли ҳисоблаш ва маълумотлар таҳлили учун технология, стандартлаштириш ва илова; маълумотларни ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш; ташкилий ва техник услублар бўйича тақдиротлар қилинди.

Иштирокчиларнинг асосий

эътибори ҳукуматнинг кибер хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, рақамли контентни бошқариш борасидаги ўрнига қаратилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон мисолида давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш мавзуси бўйича ҳам чиқишлар қилинди. Хусусан, электрон ҳукуматнинг ривожланишида Big Data ва "булутли ҳисоблаш" технологияларининг ўрни юзасидан фикр ва тақдиротлар тингланди.

Вазирлик ахборот хизмати

ТАНЛОВ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚИЗЛАР ИЛК МАРОТАБА "TECHNOVATION" ТАНЛОВИ ХАЛҚАРО ФИНАЛИДА ҚАТНАШАДИ

◀1-бет.

"Technovation Challenge" қизлар танловида Ўзбекистон жамоаси илк бор халқаро финалда иштирок этади.

Эслаб ўтамиз, 2018 йилнинг 25 май кунини Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида "Technovation Challenge" танловининг 2018 йил мавсумидаги якуний тадбири "Celebration Event" бўлиб ўтган ва унда Ўзбекистон номидан жаҳон чемпионати ярим финалига чиққан жамоалар эълон қилинган.

20 июн кунини жаҳон чемпионатининг ярим финали ўтказилиб, унда бутун дунё бўйлаб энг яхши 12 жамоа аниқланди. Қувонарлиси, улар орасида Ўзбекистоннинг "Generation

Z" жамоаси ҳам бор. Энди ўзбекистонлик қизлар ўзларининг "ELIST" лойиҳаси билан АҚШнинг Калифорния штатида бўлиб ўтадиган финал босқичида иштирок этадилар.

Танловнинг финал босқичи шу йилнинг 6-10 август кунлари бўлиб ўтади.

Жамоа аъзолари: Муслима, Севинч, Тамила, Фарангиз. Улар Тошкентдаги мактаблар ўқувчилари.

Менторлар: Чарос Шавкатова, Муаззамхон Юсупова. П-менторлар: Достонхон Озодхўжаев ва Миркомол Ҳамидов.

"ELIST" лойиҳаси ҳақида: Ушбу дастур оилаларда гендер тенглигига бағишланган. У

оилада уй ишларини ўғил ва қизларга тенг тақсимлашга ёрдамлашади.

"Technovation" танлови статистикаси:

- Танловда дунёнинг турли бурчакларидан 2 000дан зиёд жамоа иштирок этди;

- Ўзбекистондан 29 жамоа танловга лойиҳаларни топширди;

- Ўзбекистоннинг 6 жамоаси халқаро ярим финалга йўл олди;

- жамоаларимиз АҚШ, Испания, Мексика ва дунёнинг бошқа мамлакатлари жамоалари билан рақобатлашди;

- Ўзбекистоннинг бир жамоаси (10-15 ёш) финалга йўлланма олди.

Барча финалчилар рўйхати билан ушбу манзилда (<https://technovationchallenge.org/season-results/>) танишиши мумкин.

Эслаб ўтамиз, "Technovation Challenge" халқаро танлови 2010 йилдан буён дунёнинг қарийб 80 мамлакати, жумладан, икки йилдан буён Ўзбекистонда ҳам ўтказиб келинмоқда. Бу технологик ишланмалар танлови бўлиб, унинг доирасида қизлар жамоаларини ташкил этиш кўзда тутилган. Жамоалар устоз ва мураббийлар раҳбарлигида долзарб муаммони аниқлаши, унинг ечими бўйича илова яратиши, лойиҳанинг тижорий амалга оширилиши учун зарур компанияга асос солиши лозим.

Л. САИДУРДОВ

АКТ БАРЧА СОҶА УЧУН ЗАРУР

“
Жойларда инспекциянинг 223-84-84 рақамли “Ишонч телефони” ҳамда Navai@gis.uz электрон почтасига мурожаат йўллаш мумкинлиги фуқароларга етказилмоқда.”

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 2018 йил бошидан буён қатор тадбирлар ўтказилиши йўлга қўйилган. Вилоятнинг чекка ҳудудларида фуқаролар билан учрашувлар ўтказилиб, алоқа соҳасидаги мавжуд муаммолар ўрганиляпти, жойида бартаф қилиниши таъминланмоқда.

Жумладан, вилоят ҳудудий инспекцияси томонидан жорий йил бошидан бугунги кунга қадар бўлинмага тушган жами 107та мурожаатнинг 15таси маҳаллий телефон алоқаси, 27таси маълумотлар узатиш, 10таси почта алоқаси, 32таси мобил алоқа, 23таси телерадиоузатиш йўналишлари бўйича бўлиб, барча мурожаатлар ҳудудий инспекция ходимлари томонидан ўз вақтида белгиланган тартибда жойида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилган. Ўрганишлар давомида фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган, ходимларнинг эътиборсизлиги сабабли келиб чиққан ва тақдоран тушаётган мурожаатлар ҳам анчани ташкил этиши аниқланди. Мурожаатларни камайитириш мақсадида соҳа корхоналари ходимлари иштирокида жисмоний ва юридик шахсларга алоқа соҳасидаги юзага келаётган муаммо, камчиликлар ва уларни бартаф этиш ҳамда олдини

олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилиб, амалий ёрдам кўрсатилиб келинмоқда. Хусусан, жойларда инспекциянинг 223-84-84 рақамли “Ишонч телефони” ҳамда Navai@gis.uz электрон почтасига мурожаат йўллаш мумкинлиги фуқароларга етказилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилоятига Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги масъул этиб белгиланганлиги тизимдаги ташкилотлар ходимлари олдида катта масъулият юклайди. Вилоятнинг Зарафшон шаҳри, Хатирчи, Кармана, Томди, Нурота, Навбахор, Қонимех, Қизилтепа, Учқудуқ туманларидаги қишлоқларни замонавий коммуникация инфратузилмаси билан, шунингдек, дастур ижроси юзасидан қилинаётган вазифаларни белгиланган муддатларда сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ходимларимиз жойларда бўлиб, ишларни назорат қилиб бораёти.

Жумладан, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Навоий филиалига қарашли туманлараро почта алоқаси боғламалари, почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимларидан ҳар ойда вилоят ичида ҳамда ҳар чоракда вилоятлараро жўнатилган назорат хатларининг (оддий ва буюртмали) почта

қутиларидан олинishi, ишлов берилиши жўнатилиши ҳамда етказилиши натижалари бўйича маълумотлар тайёрланиб, аниқланган хато-камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан белгиланган жазо чоралари кўрилиши, келгусида хато ва камчиликларга йўл қўймаслик, почта алоқаси соҳасида кўрсатилган хизматларни тегишли қонун, почта хизматлари кўрсатиш қоидаларига кўра сифатли ва ишончли амалга ошириши таъминлаш юзасидан тақдир ва кўрсатмалар бериб, назоратни амалга ошириб келяпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганиши амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 102-қарори ижросини таъминлаш мақсадида инспекциянинг буйруғи ижроси юзасидан “Ўзбекино” Миллий агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бўлимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати ўрганилди. Ўрганиш давомида бўлимда 2017 йил учун АКТни жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари режасининг бандларида кўрсатилган, яъни корпоратив тармоқ ташкил этиш, “DCS” электрон ҳужжат айланиш тизимини жо-


рий этиш ишлари амалга оширилмаганлиги, бўлим ходимлари АКТ ва ахборот хавфсизлиги бўйича малака ошириш курсларида иштирок этмаганлиги, компьютер саводхонлигини баҳолаш тизимидан (КСБТ) ўтказилмаганлиги аниқланди.

Инспекциянинг яна бир буйруғи ижроси юзасидан вилоятнинг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашида ҳам АКТни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати юзасидан ўрганиш ўтказилди. Натижада кенгашнинг 2017 йил учун АКТни жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари режиси ишлаб чиқилмаганлиги, ходимлар АКТ ва ахборот хавфсизлиги бўйича малакаси оширмаганлиги, компьютер саводхонлигини баҳолаш тизими бўйича аттестациядан ўтказилмаганлиги, локал, корпоратив, интернет тармоғидан ҳамда компьютер техникасидан фойдаланиш бўйича қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги, локал тармоқнинг узлуксиз ишлаб туриши ва яллитлигини назорат қилиш тизими мавжуд эмаслиги ҳолати аниқланди ва мавжуд камчиликларни бартаф этиш бўйича тавсиялар берилди. Фуқароларга сифатли алоқа хизмати кўрсатиш назорат инспекцияси ходимларига юклатилган.

Йулдошмурод ЖҶЛИЕВ,
инспекциянинг
Навоий вилояти ҳудудий
бўлинмаси бошлиғи

ШАХСИЙ ФИКР

АСАЛНИНГ ҲАМ ОЗИ ШИРИН



Бугун қайси соҳага қараман, ишлар электрон тарзда амалга оширилмоқда. Ахборот технологиялари асри деб шунини айтадилар-да!

Аваллари бирор тўй-маросим ўтказмоқчи бўлсак, узоқдаги қариндошларга хабар бериш учун бир неча кун овоза бўлардик. Эндиликда, қўлимиздаги биргина уяли телефоннинг ўзи юқоридаги овозагарчиликларга барҳам беради. Бу қувонarli ҳол, албатта. Аммо уяли алоқа воситаларининг фойдали жиҳатлари баробарида салбий таъсирларидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Кўчада, бозорда ёхуд жамоат транспортларида атрофингиздаги ўсмир ёшдаги ўғил-қизларга эътибор беринг-а! Аксарияти қўлида сўнгги русумдаги мобил телефон: ижтимоий тармоқ ёхуд мобил чат орқали ким биландир ёзишадиган ёки бўлмаса, бирор онлайн ўйин билан банд, ҳеч бўлмаган-

да, қулоғига “наушник” жойлаганча бирор мусиқа тинглаб кетаётганининг гувоҳи бўласиз. Бу каби ҳолатларга ҳатто кўникиб ҳам қолдик. Ёки бўлмаса йўл ҳаракати ҳодисаларининг асосий қисми фикри-хаёли қўлидаги мобил телефони билан банд бўлган ўсмирларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслиги оқибатида содир бўлмоқда экан.

Уяли алоқа воситасидан меъёридан ортиқ фойдаланишнинг салбий оқибатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, мутахассислар фикрига кўра, мобил телефондан кўп фойдаланишлик бош айланиши, ўзини ёмон сезиш, тўлқинлар таъсирида эшитиш қобилиятининг пайсаяиши, ҳолсизланиш ва бош оғриғи каби хасталикларга дучор қилар экан. Қўл телефонида бир марталик суҳбатлашиш меъёри уч дақиқадан ошмаслиги, суҳбатлар оралиқ вақти йигирма беш

дақиқадан кам бўлмаслиги шарт экан. Ўттиз дақиқадан ортиқ суҳбатлашиш инсон саломатлигига жиддий таъсир этиши таъкидланган.

Куча-қўйда йигит-қизларнинг қўлларидаги аксари қимматбаҳо мобил телефонларни кўриб, ахборот технологиясининг бу қадар ривожланиб бораётганидан бир ҳайратингиз ортса, ушбу матоҳ ёшларимизнинг “севимли ҳамроҳлари”га айланган улгургани ҳафсалангизни пир қилади.


Уяли алоқа воситасининг муҳим ахборотни ўз вақтида етказишда ҳар биримизнинг яқин ёрдамчимиз эканлигини эътироф этган ҳолда, мазкур техника воситасидан фойдаланиш маданияти ва меъёрларига амал қилишимиз муҳимлигини унутмайлик!

Хайриёсо ФОЗИЛОВА,
Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

КУН ТАРТИБИДА БОЛАЛАР ҲИМОЯСИ

Виртуал тарбия борасида муҳим тажрибалар

◀1-бет.



Болаларнинг онлайн ҳаёти дамбадам уларнинг ота-оналари билан муносабатларига таъсир кўрсатади. Катталарнинг қарийб учдан бири (29 фоиз) оиласида ушбу ҳолат билан боғлиқ муаммоли вазиятлар содир бўлишини тан олган. Асосий сабаб, англаётганингиздек, боланинг интернет тармоғида сарф этаётган вақти миқдоридир (83 фоиз).


Шундай бўлса-да, бола интернетдан фойдаланиш қоидаларини билиши керак. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази томонидан ўзбек ва рус тилларида "Онлайн муҳитда ёшларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма" ишлаб чиқилган. Мазкур қўлланма Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари-нинг 2016 йил 7 апрелдаги қўшма қарори асосида тасдиқланган, шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ва Ёшлар иттифоқи билан келишилган.

"Онлайн муҳитда ёшларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма" вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарига мўлжалланган бўлиб, унда болаларни интернет тармоғидаги хавф-хатарлардан асраш ва уларнинг ахборот хавфсизлиги меъёрларига риоя қилишлари бўйича тавсиялар мавжуд. Жумладан, қўлланмада вояга етмаганлар 3 тоифага (7 ёшдан 10 ёшгача, 10 ёшдан 13 ёшгача, 13 ёшдан 16 ёшгача) бўлинган ҳолда, уларга ва уларнинг ота-оналарига бир-бириндан алоҳида тарзда таклифлар ва тавсиялар берилган.

Яқин келгусида ушбу қўлланма тегишли вазирлик, идоралар ҳамкорлигида ўқув фанига қўшимча ёки факультатив машғулот сифатида таълим дастурига киритилса, мақсадла мувофиқ бўлур эди.

Таъкидлаш жоизки, киберҳужумлар жараёнида анчайин заиф ҳисобланувчи қатлам 13-15 ёшдаги болалардир. Ушбу даврда уларнинг интернет оламида ўзини тутishi анча фаол, феъл-атвори эса мураккаблашиб боради. Бир пайтнинг ўзига ота-оналар томонидан назорат сусайишини ҳам инкор этолмаймиз.

Масалан, "Касперский лабораторияси" томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари мазкур мулоҳазаларга ҳамроҳдир. Тадқиқчиларнинг фикрларига кўра, бир неча омилар ана шундай ҳулосага келишга сабаб бўла олади. Биринчидан, 13-15 ёшлилар орасида кўпроқ бўш вақтини интернет маконда ўтказадиган болалар сони кескин ортиб кетади. Айнан шу ёшда ота-оналар аксар ҳолларда ўсмирларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида сергак тортирадиган жараёнларга дуч келадилар. Айнан 13-15 ёшлиларнинг дўстлари ёки синфдошлари ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида шиддаткор контентларни чоп этадилар. Улар бошқалардан кўра кўпроқ тармоқ ўйинларига кўнгил бердилар. Шунингдек, кибербул-



лингга ҳам бошқалардан кўпроқ дуч келадилар. Айни пайтда, турли ёшдаги мактаб ўқувчилари, умуман олганда, интернет таҳдидлардан тўлақонли ҳимояланмаган.

Дарвоқе... "Кибербуллинг", "Буллинг" деган атамаларни эшитгансиз, албатта. "Буллинг" инглизча сўз бўлиб, уришқоқ, зўравон каби маъноларни англатади. Ижтимоий моҳияти бошқаларни кўрқитиш, камситиш, жисмоний ва руҳий террор қилиш йўли билан ўзига бўйсундириб олиш демакдир. "Кибербуллинг" эса интернетдаги турли сервислар орқали ёшларни ижтимоий бойкот қилишга, агрессияга, бошқаларни ҳақорат қилишга даъват этувчи ахборотлардир.

Психологлар ўтган асрнинг 70-йилларида буллинг бўйича тадқиқотлар ўтказишган. Мазлум бўлишча, бундай ҳулқ-атвор ўсмирлар муҳитида қўллаб-қувватланган. Демак, айнан шу даврда, қизикқон ёшларда мойиллик кучли бўлган. Ахборот асрида ёшлардаги мана шу нозик жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, буллинг учун ахборот технологиялари кенг қўлланилмоқда.

"Касперский лабораторияси"нинг болаларни интернет тармоғидаги ҳимоя воситалари борасидаги тадқиқотлари натижаларига кўра, Россияда атиги 36 фоиз оилалар Ота-она назорати дастуридан фойдаланади. Асосан ушбу функция компьютер ва ноутбукларга ўрнатилган. Болалар ҳаётининг каттагина қисмини ўтказишга ўрганиб қолган мобил қурилмалар эса, аксарият ҳолатларда, ҳимояланмаган вазиятдадир. Эйтиборингиз учун, сўровда иштирок этган болаларнинг 69 фоизи смартфонларсиз ҳаётни тасаввур қила олмасликларини билдирган.

Болаларнинг онлайн ҳаёти дамбадам уларнинг ота-оналари билан муносабатларига таъсир кўрсатади. Катталарнинг қарийб учдан бири (29 фоиз) оиласида ушбу ҳолат билан боғлиқ муаммоли вазиятлар содир бўлишини тан олган. Асосий сабаб, англаётганингиздек, боланинг интернет тармоғида сарф этаётган вақти миқдоридир (83 фоиз).

Энди биров шахсий мулоҳаза. Мавжуд ҳолат муайян даражада хавотирга солади кишини. Болалар кибер таҳдидлардан заиф ҳимояланган ва ушбу таҳдидлар кун сайин ортиб бораёттир. Айни пайтда, уларнинг интернет макондаги хавфсизлигига ота-оналар томонидан етарли эътибор қаратилмоқда, деган қатъий ишонч йўқ. Таъкидлаш керакки, бу билан гап чекловчи амалиётлар ҳақида эмас, биль-акс болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида ишончли муносабатлар ўрнатилиши ҳақида бормоқда.

Чунончи, "Кибербуллингга дуч келган болалар сони ва бундан хабари бор бўлган ота-оналар сони муқояса қилинганда, бола ва ота-она ўртасидаги ишонч ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар оилادا ўзаро тушуниш бўлса, ота-она назорати ва ижтимоий тармоқлардаги созламаларни бошқариш болаларда салбий эмоциялар келтириб чиқармайди. Ушбу ҳолатда болалар бунини шахсий ҳаётларига ортиқча аралашши эмас, ота-оналарининг ўз фарзанди ҳақида қайғуриши, дея қабул қиладилар. Бу эса кўплай хавфли ҳолатларнинг олдини олишга замин яратади", — дейди "Касперский лабораторияси"нинг интернетда болалар хавфсизлиги бўйича эксперти Мария Наместникова.

Ғарб тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, яқин ҳафта-лардан эътиборан Евроиттифоқ аҳолиси WhatsApp мессенжеридан 16 ёшга тўлганидан сўнггина фойдалана олиши мумкинлиги айтилди. Ушбу қоида мазкур илованинг хизматлар кўрсатиш ва конфиденциаллик сиёсати шартларига киритилди.

Европа Иттифоқида келгуси ойда кучга кириши кутилаётган Маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича умумий регламент (GDPR — General Data Protection Regulation) мазкур чекловларга сабаб бўлди. Регламент Евроиттифоқ аҳолисига компаниялар улар тўғрисида айнан қандай маълумотларни сақлаши ҳақида билиб олишлари учун имконият туғдира-

ди. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга тегишли бўлган персонал маълумотларни фақатгина уларнинг ота-оналари ва васийлари рухсати билан тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш мумкин бўлади. Бироқ бошқа минтақалар фойдаланувчилари муайян давлатнинг маҳаллий қонунари асосида рухсат этилган бўлса, 13 ёшдан оқ мазкур мессенжердан фойдаланишлари мумкин.

Юқоридагилардан кўринадики, бугунги кунда юртимизда болалар (мактаб ўқувчилари) ва уларнинг ўқитувчилари томонидан ахборот олишга имконият яратувчи воситалардан ўринли ва оқилона фойдаланиш, ахборотнинг мазмунини танқидий таҳлил қилишни ривожлантириш ва коммуникатив кўникмаларга эга бўлиш юзасидан малака ҳосил қилиш, болалар ва уларнинг устозларини ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларини улар томонидан оқилона ва масъулият билан фойдаланилишини таъминлаш мақсадида профессионал жиҳатдан тайёрлашга қўмаклашиш ишларини йўлга қўйиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Айтиш керакки, Европа парламенти ва кенгашининг 2006 йил 27 сентябрдаги Европа Кенгаши аъзо мамлакатларига "Янги ахборот-коммуникацион муҳитда болаларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича тавсияномаси"сида ахборот савдончилигини ривожлантириш интернет тармоғидан фойдаланилган ҳолда, болаларга нисбатан таҳдидларга қарши курашда самарадор чора-талбир сифатида тан олинган.

Бугун болаларга замонавий ахборот-коммуникациялар муҳитида масъулиятли ва хавфсиз хатти-ҳаракат қилиш малакасини ўқитиш орқали уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўниши мумкин. Шунингдек, фойдаланувчиларнинг интернет тармоғидан хавфсиз фойдаланиш борасидаги хабардорлик даражасини ўрганиш, виртуал ахборот маконда асосий мақсадни белгилаб олишга ўргатиш, ёшларнинг онлайн-технологиялардан масъулиятли фойдаланишига қўмак бериш, ўқувчиларнинг ахборот ва интернет маданиятини шакллантириш, веб-ресурслардан фойдаланиб, зарур маълумотни мустақил излаб топишга ўргатиш ҳамда глобал тармоқда ишлаш жараёнида уларда тартиб-интизомга риоя қилиш малакасини тарбиялаш ота-оналар, ўқитувчилар ва соҳа мутахассислари олдидаги энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Жавоҳир ҚУДРАТОВ,
Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибининг таъминлашга қўмаклашиш маркази етакчи мутахассиси

6 СОТРУДНИЧЕСТВО

МОЛОДЫЕ СПЕЦИАЛИСТЫ УЗБЕКИСТАНА И ЮЖНОЙ КОРЕИ ОБСУДИЛИ РАСШИРЕНИЯ ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ

В Университете ИНХА в г. Ташкенте 20 июня прошел узбекско-корейский молодежный торговый форум.

В мероприятии приняли участие студенты Университета ИНХА в Республике Корея и Университета ИНХА в г. Ташкенте.

Форум организован для развития торгово-экономических отношений между Узбекистаном и Южной Кореей через установления отношений между молодежью двух стран.

Открывая форум, профессор Университета ИНХА в Республике Корея Жо-Ёнг Ли отметил, что данное мероприятие позволит установить дружеские отношения между студентами двух университетов. Он подчеркнул, что Узбекистан может достичь больших успехов в сфере экономического развития.

Профессор Ли сказал, что Узбекистан ведет политику открытости, что является важным для налаживания бизнеса с зарубежными



странами. "Я надеюсь, что вы — студенты двух ВУЗов установите контакты и расширите торгово-экономические сотрудничество двух стран", — добавил он.

Ректор Университета ИНХА в г. Ташкенте (IUT) Сарвар Бабаходжаев поприветствовал членов южнокорейской делегации. Он напомнил, что сейчас университеты ведут работу по открытию нового факультета "Международной торговли и сотрудничества". Новый

факультет начнет функционировать с 2019 года.

В ходе встречи Ректор IUT рассказал о достижениях Узбекистана в сфере развития экономики и торгово-экономических отношениях между Узбекистаном и Южной Кореей. Он отметил, что Южная Корея является одним из ключевых партнеров Узбекистана в различных отраслях. Южная Корея инвестировала более \$7 млрд. в Узбекистан.

При этом Узбекистан является крупным торговым партнером Южной Кореи, так как более половины торговли страны утренней свежести со странами Центральной Азии приходится на долю нашей страны.

В ходе форума молодые специалисты обсудили вопросы расширения торгово-экономических связей между странами, международные практики по видению торгового бизнеса и т.д.

ПЯТЬ ЛЕТ ПОЧТОВОМУ СЕРВИСУ UMAIL.UZ

Почтовая служба uMail.uz заработала в июне 2013 года. До этого многие пользователи жаловались на отсутствие почтового сервиса, расположенного в ТАС-IX.

За прошедшие годы почтовая служба uMail.uz стала популярной, её используют учащиеся, студенты, государственные служащие и все желающие.

Для получения почтового ящика нужна регистрация на ID.UZ, почтовый ящик можно получить при регистрации. Максимальный объем одного письма: 20 Мб, объем ящика: 2 Гб.

Для регионов с проблемной связью имеется облегченный интерфейс. Можно пользоваться как веб-версией на узбекском и русском языках, так и почтовыми клиентами Outlook, The BAT!, Thunderbird и другими.

Количество пользователей на 21 июня — 589 653.

Единый интегратор UZINFOCOM поддерживает почтовый сервис, запланировано расширение аппаратной части и обновление интерфейса.

Дилрабо УМРЗОКОВА

ЭЛЕКТРОННАЯ КОММЕРЦИЯ

XARID.UZ – НОВАЯ БИРЖЕВАЯ МОДЕЛЬ ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ

20 июня 2018 года в Национальном пресс-центре прошла пресс-конференция для средств массовой информации на тему "Специальный информационный портал по государственным закупкам — новая биржевая модель электронной коммерции". Организаторами пресс-конференции выступили Национальное агентство проектного управления при Президенте Республики Узбекистан и АО "Узбекская республиканская торгово-сырьевая биржа".

Как было отмечено на пресс-конференции в соответствии с Законом Республики Узбекистан "О государственных закупках" Национальное агентство проектного управления

при Президенте Республики Узбекистан определило АО "Узбекская Республиканская торгово-сырьевая биржа" оператором специального информационного портала по государственным закупкам — xarid.uz.

Данный портал как B2G модель электронной коммерции является единым информационным ресурсом по государственным закупкам в Республике Узбекистан, а также электронной торговой площадкой для осуществления государственных закупок в форме электронного магазина и аукциона на понижение стартовой цены.

Закупочные процедуры в форме электронного магази-

на, аукциона на понижение стартовой цены осуществляются на портале биржи. По другим видам закупок, включая конкурс, тендер и государственную закупку у единственного поставщика бюджетные и корпоративные заказчики на портале размещают информацию о закупках. Все действия на портале осуществляются в режиме онлайн с использованием электронной цифровой подписи.

В настоящее время в электронной системе биржи XARID зарегистрировано более 30 тыс. бюджетных организаций, 1,5 тыс. корпоративных заказчиков и около 9 тыс. поставщиков, основную часть из которых составляют субъекты

предпринимательства. Вместе с тем в электронном магазине размещено около 16 тыс. товаров и услуг, а на электронном аукционе более 7 тыс. государственных заявок. За месяц функционирования портала, в системе зарегистрировано более 5 тыс. сделок на сумму 12,5 млрд. сумов и данные показатели непрерывно растут.

В целях разъяснения нового порядка и механизма электронных государственных закупок НАПУ совместно с УзРТСБ, Казначейством Министрства финансов во всех регионах республики проводятся учебные семинары с участием заказчиков и поставщиков.

ПРЕЗЕНТАЦИЯ НОВЫХ КНИГ

В нашем центре (ИБЦ) состоялась презентация книг хорезмских писателей и поэтов. Она прошла по книгам Комилжона Мадраимова "Предначертание", Абдуллы Собирова "Оповли айём", "Бир ободон богга душдим", Исмоила Оллоберганова "Туй ноии", также написанной соавторстве Баходира Бобождонова, Эркина Сапаева и Абдушарифа Болтаева книги "Эъзоз ва эътироф".

На мероприятие помимо авторов книг и сотрудников центра приняли участие руководитель областного управления по печати и информации Дилбар Бекчанова, директор

издательства "Хоразм" Болтабой Бекматов, поэт и драматург Курбон Мухаммадризо, известный краевед Комилжон Нуржонов, студенты Ургенчского государственного университета, Ургенчского филиала Ташкентского университета информационных технологий и члены организованной в областном ИБЦ клуба книголюбителей "Виллимдон".

Выступившие перед собравшимися директор областного информационно-библиотечного центра Рахимбой Курбон, Болтабой Бекматов, Курбон Мухаммадризо и другие отметили, что в нашей

стране особое внимание уделяется развитию национальной литературы, созданию благоприятных условий для эффективной деятельности творческих людей. Ярким подтверждением этому служит постановление нашего Президента "О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Союза писателей Узбекистана". Этот государственный документ ознаменовал новый этап в развитии национальной литературы, вдохновляет литераторов создавать высокохудожественные произведения.

Авторы книг говорили о сво-

ем творческом пути, краткое содержание своих произведений, призвали молодежь дружить с книгой. Студенты рассказали о своих впечатлениях от прочтения выше указанных книг, получили, у авторов, ответы на свои вопросы.

В заключении продемонстрирован созданный сотрудниками центра видеоролик об историческом памятнике в городе заповеднике "Ичан қалъа" "Улли ҳовли".

Рузибай КУЛМАТОВ,
библиотекарь
Хорезмского областного
ИБЦ

ЭНГ ЯХШИ

9 ўйин

Болаларни дастурлашга ўргатинг



◀ 1-бет.

1. Kodable: ҳатто болакай ҳам дастурлашни ўргана олади!

Бошланғич дастурлаш таълимини беришга мўлжалланган аjoyиб онлайн-сервис. У онлайн тарзда дарс берувчи ўқитувчиларга ҳам, ота-оналарга ҳам қўл келади. Лойиҳа муаллифлари ўйинни ҳатто икки ёшли болакайлар ҳам ўйнай олишларини таъкидлашади. Шундай экан, Kodable билан фарзандингиз дастурлашни ўқиш ва ёзишдан олдин ўрганиб олади.

Дизайни ёрқин ва қувноқ. Бола қувноқ "юзча"лар билан лабиринтларда ўйнайди, дастурлаш илмини эса параллел равишда ўзлаштириб боради. Барча маслаҳатлар мураккаб кўрсатмалар тарзида эмас, расм шаклида тақдим қилинади. Буни энг кичик иштирокчи ҳам тез тушуниб олади. Мазкур дастур бошланғич мактабда информатика фани учун идеал восита бўлади. Ўйиндаги топшириқлар бажарилишини ўқитувчилар ҳам, ота-оналар ҳам кузатиб боришлари мумкин. Унда мураккаблик даражасини белгилаб борса бўлади.

2. Code Monkey

Ушбу ўйин реал дастурлаш тилини (CoffeeScript) тақлиф қилади, унинг ёрдамида болалар HTML5 да ўз ўйинларини

ёзиши мумкин. Бунда бошланғич таъриба талаб этилмайди: таълим нолдан бошланади. Информатика асослари ўзига хос қувноқ ўйин қаҳрамони саргузаштлари орқали ўзлаштирилади. Даражалар муҳаррири эса мустақил равишда ўйин жараёнлари кўринишини ўзгартириш имконини беради.

Бу ўйин айниқса бошланғич таълимда жуда фойдали. Антиқа маймунча ўқувчиларни бир қатор босқичлардан олиб ўтади ва болада қоллаштириш илми шаклланади. Бола дастурлашни ўрганиш билан бирга, компьютер олдида вақтинчи самарали ва мароқли ўтказади. Энг асосийси, фойдасиз компютер ўйинларидан йироқроқ бўлади.

3. Code.org

Бу сервиснинг қудайлиги ўйинни бошлашдан аввал тушунарли тилни танлаш мумкин. Юқорида Kodable ҳақида ёзаётган, ўқитувчи ёки ота-оналарга бола учун таълим дастури тузишларига ёрдам беришини айтиб ўтгандик. Бу ерда ҳам шунақа: болалар учун, ўқитувчилар учун бўлимлар мавжуд, шунингдек, шахсий ўйинни яратиш имкони ҳам бор.

Саҳифа остида "Код студиясини талқин эт" бўлими мавжуд бўлиб, унда мустақил синнаб кўриш мумкин бўлган кўплаб ўйинлар бор. "Flappy Bird" мисолидаги интерактив таълим фойдали ва қизиқарли: ўз шартларини қиритган ҳолда тайёр ўйинни дўстларга улашиш мумкин. Бола дастурлашни ўзлаштирилади ва алгоритм асослари базасини тушуниб етади. Вазифаларнинг бири бажаришда болага бонус сифатида сертификат бериллади.

4. Vim Adventures

Лабиринтли "Vim Adventures" дастури ўйин формати

да "Vim"ни ўрганишга кўмаклашади. Кўплаб персонажлар у ёки бу босқичда нима қилиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар беради, шунингдек "Vim" билан ишлашда бошланғич фойдали кўникма ҳосил қилади. Бу босқичтирма босқичдан-босқичга мураккаблашиб боради. Жуда фойдали ўйин. Битта "минуси" — унинг инглиз тилида экани: қаҳрамонлар сўзларини ё боланинг ўзи таржима қилишига тўғри келади (бир жиҳатдан тил ўрганишга стимул) ёки фарзандингизга ўйинни тушуниб ўйнаши учун ўзингиз кўмаклашишингиз зарур бўлади.

5. Lightbot

Бу ўйин ҳам инглиз тилида, аммо у тавсия қилишга арзийди. Ўйинни планшет ёки смартфонга кўчириб олиш ҳам мумкин. Бош қаҳрамон — митти робот. У белгиланган шартлар бўйича топширилган ҳаракатларни бажаради. У бир жойдан иккинчисига ўтиб, белгиланган жойлардаги чироқларни ёқиб чиқади. Шартлар оддий, лекин бундан орттиладиغان малака бола учун жуда фойдали.

Илова мактаб ёшдагилар учун ҳам, мактабгача ёшдаги болалар (4-6 ёш)га ҳам тавсия қилинади. Бундан ташқари, каттароқ ёшдаги (9-10 ёш) болаларга мўлжалланган қийинлаштирилган талқини ҳам мавжуд.

Ўйин шунчалик қизиқарлики, у ҳатто катталарга ҳам ёқади. "Lightbot" мантиқий фикрлашни ва вазифалар ечими алгоритминини тузиш кўникмасини шакллантиради.

6. Cargo-Bot

Бошланғич босқичларини ҳатто боғча болалари ҳам тушуна олади. Матн деярли йўқ, шунинг учун кичик ёшдаги болаларга топшириқларни тушуниб олиш қийинчилик тудирмайди.

Ўйин босқичма-босқич мураккаблашиб боради. У мантиқий фикрлашни ривожлантиради ва дастурлаш базаларини шакллантиришга кўмаклашади.

7. Scratch

Махсус болалар учун ишлаб чиқилган энг машҳур лойиҳа. Бола ушбу ўйин орқали дастурлашни тез ўрганади. Аслида бу ўйин ҳам эмас, у кодлаштиришни тўлақонли ўргатувчи қўлланма. Аммо унинг ёқимли дизайни ва қизиқарли шартлар асосида қилинган болаларни ўзига жалб қила олади.

Scratch кенг ёш аудиториясини қамраб олади, бироқ у кўпроқ 8 ёшдан катта болаларга мос келади.

8. CodeCombat

"CodeCombat" ўйини анчагина мураккаб бўлган дастурлаш тиллари (JS, Python, Lua, CoffeeScript)ни ўзлаштиришга кўмаклашади.

Мактаб ўқувчилари бу ўйин билан дастурлашни ўрганишлари ва информатика соҳасида ўзлари учун бутунлай янги чўққиларни кашф этадилар.

9. CeeBot

C++ дастурлаш тилига яқинлаштирилган ўйин. Бир неча йиллар аввал яратилган ушбу ўйиннинг графикаси бироз камбағал бўлса-да, бу ўйин фойдали жиҳатларини йўққа чиқара олмайди.

"CeeBot" воқеалари ўзга сайёрада кечали ва унинг қаҳрамонларини бошқариш учун кодлаштириш зарур. Мутахассислар ушбу ўйинни Java, C++ ва C# дастурлаш тилларининг бошланғич босқичи деб ҳисоблашади. Агар фарзандингиз ушбу дастурлаш тилларини ўзлаштиришини истасангиз — CeeBot энг яхши вариант ҳисобланади.

Л.ТУРСУНОВ



ИЛМ-ФАН ВА САНОАТ ЎРТАСИДАГИ ЖАРЛИК

Ўзбекистонни тараққиёт йўлида янги босқичга кўтариш учун энг зарур чоралардан бири — саноат ва илм-фаннинг "бошини бирлаштириш".

"ҲАН ДАРЭСИ МЎЪЖИЗАСИ"

Жанубий Кореяга илк бор келганимда аксар соҳа талабаларининг ишлари илмий раҳбарлари томонидан молиялаштирилиши ва талабалар кўп вақтини лабораторияларда ўтказиши мен учун бироз ғайритабиий туюлди. Бу жараёни кундалик ҳаётимда кузатиб, яқиндан ўрганар эканман, Корея қандай қилиб қисқа давр ичида жаҳоннинг энг тараққий этган 20 (G20) мамлакатидан бирига айлангани сабабларини тушуниб етгандек ва бунда Ўзбекистон учун тайёр намуна кўргандек бўлдим.

Иккинчи жаҳон урушигача Япония мустамлакаси бўлган, урушдан сўнг иккига бўлиниб пайдо қилинган ва ҳали оёққа туришга улгурмасидан 50-йилларнинг бошида Корея урушидан улкан талафотлар кўрган ярим орол дунёдаги энг қашшоқ ҳудудлардан бири эди. Аммо бу қандай шижоатли миллат эканки, ақл бовар қилмас қисқа давр ичида "Ҳан дарёси мўъжизаси" юз берди. Ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган жадал саноатлаштириш сиёсати натижасида 1995 йилга келиб, Жанубий Корея ўз иқтисодиёти бўйича дунёнинг 11-мамлакатига айланди.

ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Бу халқ босиб ўтган машаққатли йўлнинг турли жиҳатлари мавжуд. Аммо ҳудуд жиҳатидан Ўзбекистонга нисбатан тўрт баробар кичик ярим оролда татбиқ этилган Тадқиқот ва Тараққиёт (Research & Development) миллий инновация тизими бу миллат тарихида бурилиш ясади. АҚШ ва Япония мисолида истиқболда миллионлаб доллар фойда келтирадиган инновацион лойиҳаларнинг "мазасини сезиб қолган" Корея ҳукумати илмий-тадқиқот институтларига улкан маблағлар ажратиш баърида хусусий компания-



Сеулдаги уйлар, 1968 йил (сурат муаллифи — Гомер Уильямс / манба: Flickr)

ларни ҳам бунга рағбатлантирди, қонунчилигида хусусий сектор илм-фанга сармоя кирита олиши учун ҳамма шароитларни муҳайё қилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион ғоялардан давлатдан-да кўпроқ манфаатдор бўлган хусусий компанияларнинг илм аҳли билан ҳамкорлиги самараси ўлароқ оламшумул лойиҳалар дунё юзини кўрди. Бугунга келиб Samsung, Hyundai, LG қаторида Кореянинг икки юздан ортиқ хусусий ва давлат ширкатлари жаҳон бозорида рақобат қиляпти. Нафақат рақобат қиляпти, балки неча йилдан бери мамлакатдаги илм-фан ва инновация даражаси жаҳон бўйлаб биринчиликдан тушмай келаётир.

ЎЗБЕКИСТОН(-ЧИ)?

Ўзбекистон ҳукумати корейларни ўзининг стратегик ҳамкорига айлантиргани қувонарли ҳол, албатта. Лекин биз ҳам улар тугган йўлдан боришимизга нима халақит беради?

Ҳаммамизга маълум, 1991 йили СССР кулаб, Ўзбекистоннинг иқтисоди оғир аҳволга тушиб қолди. Собиқ Иттифоқ инфратузилмаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган са-

ноат сектори қаттиқ зарбага учрага. Ўзбекистонни оёққа тургазиш чора-тадбирларининг асосий йўналиши сифатида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахта етиштириш кўрилди. Пахта, олтин ва газ экспортидан келиб тушаётган маблағлар ва тўғри танланган ҳаракатлар стратегияси эвазига 90-йилларда гиперинфляциянинг олди олинди, Ўзбекистон халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Жумладан, академик Ричард Помфрет ўзининг 2000 йилда чоп этилган "Марказий Осиёнинг мустақилликдан кейинги иқтисодиёти" номли китобида "тараққиётнинг ўзбек модели"ни олқишлаб, Ўзбекистонни пост-совет минтақасида энг тўғри йўл тутган давлат деб ҳисоблашини билдирди. Аввалига ҳеч ким ишонмаган бўлишига қарамай, 2002 йилга келиб, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳатто 1989 йилгидан ҳам баландроқ кўрсаткичга етди. Мустақилликдан кейинги 20 йил ичида иккита мисли кўрилмаган инқирозга туриб бера олган ёш давлатимиз ҳали ҳам ўсишда давом этмоқда.

Аслини олганда табиий ресурслар захираси, демографияси ва энг муҳими катта миқдордаги ишчи кучи каби омиллар туфайли Ўзбекистон жа-

дал суратларда ривожланаётган истиқболли мамлакатлар сирасига киради. Аммо мамлакатдаги саноатлаштириш жараёнининг ўта секин давом этаётгани ҳамда ҳали-ҳануз қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларига қарам бўлиб қолаётганимиз сабабли ҳукумат учун 32 миллионлик халқнинг эҳтиёжларини қондириш қанчалар қийин кечаётгани ҳеч кимга сир эмас. Чунки ЯИМнинг 70 фоизга яқини носаноат соҳалардан келиши ишсизлик даражасининг ҳали-бери камаймаслигини билдиради.

Мисол учун, Иқтисодиёт вазири Ботир Хўжаев жорий йилнинг 28 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қуйидагиларни таъкидлади: "Биз яқин 10 йилдаги асосий муаммомиз мамлакат аҳолиси орасида меҳнатга лаёқатли кишилар улушининг фавқулодда юқорилигича қолиши билан боғлиқ эканини яхши тушуниб турибмиз. Афсуски, бугунги вазиятда биз ишчи ўринлар яратиш масаласида орда қоляпмиз".

Энг қизиги, ҳозир биз намуна сифатида кўраётган Кореяда ҳам саноатлаштириш жараёни тезлаштириб юборилган 80-йилларнинг аввалида аҳоли сони 32,2 миллион атрофида

“Қирғоқдан узоқлашишга журъатинг етмаса, ҳеч қачон янги уммонларни кашф эта олмайсан.”



"Хан дарёси мўъжизаси" ибораси билан Сеулни кесиб ўтувчи дарёга нисбат берилди ва Жанубий Кореянинг бир неча ўн йилларда оддий қашшоқ давлатдан дунёнинг энг бой мамлакатларидан бирига айланганини ифода этиш учун ишлатилди (сурат муаллифи — Рийн Адамс / манба: Flickr)

эди, ҳатто 90-йиллар бошигача бу мамлакат ҳозиргидек меҳнат муҳожирларини импорт қилувчи эмас, аксинча экспорт қилувчи мамлакат эди. Ҳашашликни сиз ҳам сезяпсизми?

Лекин Ўзбекистонни санатлаштиришга хизмат қилувчи, яқин келажақда ишсизликни кескин қисқартириши мумкин бўлган илм-фан соҳасини ривожлантиришга эътибор етарли эмасдек, негадир. Тўғри, 2017 йил 29 ноябрдаги Президент фармони билан Инновацион ривожлантириш вазирлиги тузилди, илмий тадқиқот марказларининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан турли уринишлар бор, шунингдек, айрим олимларимизнинг ютуқлари эътиборга молик.

Аммо олий ўқув юр்தларидан ҳамон СССРдан қолган дарсликлар ўқитилиши, илмий тадқиқотлар учун шароитнинг ночорлиги, илм-фан ва санат ўртасидаги улкан бўшлиқ ва малакали олимларнинг аксарини хорижий мамлакатларга бой бераётганимиз мавжуд ҳолатни баттар оғирлаштираётир.

Ўзбекистонда кимё ва биология соҳасида мутахассисликни қўлга киритиб, айна дамда Кореяда илмий иш қилаётган икки дўстимнинг гувоҳлик беришича, юртимиздаги олий таълим муассасаларида ўтказиладиган илмий тажрибаларни корейс ёшлари 10-11-синф дарсликларидан ўрганишяпти. Бу эса ўқув дарсликларимиз жаҳон амалиётидан нақадар ортада қолиб кетганини кўрсатади. Энг ачинарлиси, ҳар йили амалга ошириладиган юзлаб, балки минглаб илмий ишларни ҳаётга ёки илм-фанга татбиқ этиш ҳеч кимни безовта қилмапти. Лоф бўлмаса, давлат олий таълим муассасаларидаги 90 фоиз илмий ишлар ҳимоя қилинган кунийёқ архивдан жой олади. Ваҳоланки, индустриал мамлакатлар-

нинг аксариди, хусусан мен ҳозир ўқиётган Кореяда ҳам, санатта ёки илм-фан ривожини учун татбиқ қилишнинг иложи йўқ бўлган илмий ишларга киришишга руҳсат берилмайди. Ҳар бир ўтказиладиган тадқиқот ва уни ўтказиладиган олим ёки олимлик йўлидаги талабдан, албатта, ўша соҳада янгилик қилиш ва бу билан жамият ҳаётини энгиллаштириш талаб қилинади.

ХўШ, УНДА НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Ўзбекистоннинг келажақда индустриал давлатга айланишида ўзининг чексиз ҳиссасини қўшадиган Тадқиқот ва Тараққиёт миллий инновация тизимини такомиллаштириш учун илм-фан тарғиботини кучайтириш, давлат илмий-тадқиқот марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш, малакали илмий ходимлар етиштириш учун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, эски дарсликларни янгилари билан алмаштириш ва шу қабилир албатта ўта долзарб ва қилиниши зарур бўлган ишлар сирасидандир.

Бирок ҳозир эътиборингизни афсуски кўпчиликнинг эътиборидан четда қолаётган санат ва илм-фан ўртасидаги жарликни бартараф этишга қаратиб, бу хусусда ўз тақлифларимни билдирмоқчиман. Юртимизда фаолият юритаётган айрим хорижий ширкатлар бу соҳада илгорлик кўрсатаётган бўлса-да, маҳаллий бизнесларда ҳали бу ҳақида тўлиқ тушунча мавжуд эмас.

Аввало, Ўзбекистондаги бизнес доираларда хусусий илмий тадқиқотларга сармоя киритиш масаласини кенг тарғиб қилиш лозим. Чунки хусусий сектор томонидан молиялаштирилган илмий тадқиқотлар бу — қум остида беркиниб ётган маржондек гап. Ҳали Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар ор-

тидан келадиган улкан фойда ҳақида тўлиқ тушунча шаклланиб улгурмаганлиги боис муваффақиятли ишбилармонларнинг аксари хизмат кўрсатиш соҳасига сармоя киритиш билан чекланиб қолишмоқда. Наридан бурса, аввалдан мавжуд бўлган кундалик маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланишади. Аммо Ўзбекистонда инновация бозори ҳали хузуллаб ётибди, бундан эса унумли фойдаланиш керак.

Нолдан тадқиқот маркази тузиш қобилиятига эга бўлмаган компаниялар учун эса ўз таркибида лабораториялар ташкил этиш, ўз олимлар жамоасини шакллантириш, бунда четда ўқиб қайтаётган ёшларнинг хизматидан фойдаланиш вариантлари ҳам мавжуд. Чунки четда илмий иш қилиб қайтаётган талабалар ўзлари билан чексиз билим ва кўникмаларни олиб кираётир. Бизнесдан мақсад даромад кўришидир. XXI аср шароитида илгор компанияларнинг аксариди муваффақият манбаи бу компания лабораторияларидаги заҳматқаш олимлардир.

Шунингдек, юқоридаги икки ҳолатда ҳам давлат томонидан яратилаётган шароитлардан унумли фойдалана билиш лозим. Масалан, Президентнинг 2017 йил 30 июндаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори чиқди ва унга кўра инновацион гоёлар асосига қўрилган компаниялар учун катта имтиёзларни тақдим этувчи "Mirzo Ulugbek Innovation Center" ташкил қилинди. Марказ фаолияти яқиндан ўрганиб чиқилса, бу аслида жуда катта имконият.

Хусусий лаборатория ташкил қилиш салоҳиятига эга бўлмаган бизнесменлар учун мўқобил ечим бу — олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳам етук иқтидор эгалари мав-

жуд. Аммо уларни кашф қилиш маблагга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам юртимиздаги ИНҲА, Турин ёки бошқа давлат таълим муассасаларидаги профессор-олимлар билан ҳамкорлик қилиш, у ердаги иқтидорли ёш олимларни молиялаштириш, тадқиқотлар учун шароитлар яратиш ва натижада бизнестга инновацион гоёларни олиб кириш мумкин.

Ҳукумат ҳам ўз навбатида олий таълим муассасалари ва Фанлар академиясига нисбатан талабларни кучайтириши зарур. Ҳукумат томонидан молиялаштирилган олий ўқув юр்தларимиз, бироз қўполроқ қилиб айтганда, боқимандага ўхшайди. Ҳеч қандай рақобат муҳити йўқ. Абитуриентлар сони ниҳоятда кўплиги учун талаб тақлифга нисбатан ўта юқори. **Ҳукумат ҳеч бўлмаганда, давлат университетларини хусусий университетлар билан "бир қозонда қайнатиб" уларни тадқиқот бозорига ўзаро рақобатга йўналтириши керак.** Университетларда ўтказиладиган тадқиқотларнинг санат-боплиги оширилса, ўз-ўзидан илм-фанга хусусий сектордан маблаг кириб кела бошлайди. Буни икки хил кўринишда амалга ошириш мумкин:

- Масалан, олий таълим муассасаларидаги илмий лабораториялар қайсидир олиб бориладиган изланиш натижасининг санатда татбиқ этилгандаги самараси ҳамда унинг ортидан келадиган даромад ҳақида батафсил ҳисобот тайёрлайди ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш дастурлари орқали ўзига сармоядор излайди. Сармоя топилгач, тегишли қонунчилик асосида шартнома тузилади ва илмий тадқиқот сармоядор томонидан молиялаштирилади;

- Иккинчи услубда ташаббусни хусусий сектор кўрсатади. Масалан, бизнесмен даромадини ошириш учун ўз компанияси ёки маҳсулотларида қандайдир янгиликни хоҳлайди. Бу хусусда изланиш олиб бориш ва керакли натижага эришиш учун компания университет ёки Фанлар академияси қошидаги илмий тадқиқот институтлари олимлари ўртасида тендер эълон қилади. Ўзида ушбу иш учун салоҳият бор деб ҳисоблаган илмий гуруҳ буюртмани қабул қилади ва тадқиқот буюртмачининг маблаглари ҳисобига молиялаштирилади.

Бу уч томонлама манфаатли амалиётнинг келажаги ақл бовар қилмас даражада порлок! Бир вақтнинг ўзида санатта инновацион гоёлар кириб келади, илм-фан ривожланишида давом этади ва давлатнинг санат сектори фаолияти самараси ўлароқ аҳолининг иш билан бандлиги таъминланади. Масалан, ҳозир мен ўқиётган университетнинг ўзида камдаи йигирмадан ортиқ профессор хусусий компаниялар ёки турли давлат грантлари томонидан молиялаштирилади. Бу битта уни-

верситетдаги ҳолат. Бу дегани бир университетнинг ўзида йигирмадан ортиқ турли лабораторияда, тадқиқотнинг мураккаблигига қараб, ҳар семестр ёки ўқув йилида биттадан янгилик амалга ошади.

Буюртмалар асосан хусусий сектордан келади. Ҳар бир янгилик учун илмий раҳбар 10-50 минг доллар атрофида мукофот пули олади. Асосий меҳнат эса талабалардан иборат илмий гуруҳ зиммасига тушади. Магистр ёки докторлик учун ўқиётган талабага таълим пули ва кундалик харажатлари қопланганининг ўзи катта байрам. Чунки молиявий муаммоларга қалғимай, тадқиқотларда қатнашишнинг ва бу жараёнда тўпланаётган билим ва кўникманинг қиймати тиллога тенг. Хусусий сектордан келадиган буюртмалар сонини кўпайтириш учун эса профессорлар мукофот пулларининг аксар қисмини лаборатория имкониятларини кенгайтириш ва ишчи гуруҳ (яъни, талабаларнинг) билим ва салоҳиятини оширишга сарфлайди. Талаба малака тўплаштириш, олим кашфиёт қилапти, бизнесмен даромад олапти, юрт эса ривожланыпти. Ҳаммаси оддий.

Юқоридаги фикрларни ўқиб, кўпчилик биздаги олимларнинг салоҳияти ҳақида гумонга бориши табиий. Аммо унутмаслик керак, илмий тадқиқотларга хусусий сектордан маблаг кириб келиши ҳар қандай олимга ўз устида ишлаш ва ажойиб натижаларга эришиш учун етарлича туртки бера олади (жаҳон амалиётида ҳар кун бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз). Ундан ташқари, Ўзбекистонда ҳам бутун ҳаётини илм-фанга бағишлаган шундай олимлар борки, уларни муваффақиятдан тўсиб туривчи ягона муаммо — маблаг танқислиги ва шу сабаб юзага келган тадқиқот учун шароитнинг ночорлиги.

Шундай қилиб, Ўзбекистон 2018 йил ҳолатига барча кўрсаткичлар (яъни ички маҳсулот, ундаги санат улуши, илм-фанга ажратилаётган маблаглар, илм-фан ва санат ўртасидаги бўшлиқ коэффициенти, аҳоли сони ва ҳоказо) бўйича Жанубий Кореянинг 1980 йилдаги ҳолати билан бир хил мақомда турибди. Энди биз ҳам 15-20 йил муддатда дунёнинг топ мамлакатлари сафига қўшилишимиз учун бугундан бошлаб ҳукумат бошчилигида бор эътиборни "Тадқиқот ва Тараққиёт" гоёсига қаратишимиз лозим. Ўзбекистонда санат ва илм-фан ўртасидаги жарликни йўқотиб, уларнинг "бошини бир қилмас" эканмиз, жаҳон тараққиёт уммонида бизнинг кемамизга жой топилиши амримаҳол. Бу икки соҳанинг изчил ҳамкорлигига тамал тошини қўйиш учун "Фаол талбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"дан-да қулайроқ фурсат бўлмаса керак.

Жавоҳир ИЗЗАТУЛЛАЕВ

ЭРТАНГИ КУН ИШҚИ

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шахрини кезар экансиз, бир неча ой муқаддам ўтган кўчангизда бугун бир ҳашаматли бино ёки бошқа бир иншоот қад ростлаганига гувоҳ бўласиз. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуслари билан бунёд этилаётган бир-бирдан кўркам, гўзал ва файзли иморатларга ҳар қанча суқланиб қарасангиз-да, тўймайсиз. Замонавий меъморчилик андозаларида қурилаётган иншоотлар шаҳар ҳуснига ҳусни қўшмоқда.



Суратда: Сардорбек БОЗОРБОВЕВ.

“**Сардорбек дам олиш кунлари турмуш ўртоғи Мадина билан фарзандлари Муҳаммадзиз ҳамда Азизахонларни шаҳар бўйлаб сайрга олиб чиқаркан, ўзи раҳбарлик қилаётган қурувчилар билан бунёд этган иморатларни фахр ва гурур билан уларга кўрсатади.**”

Олмазор туманидаги Нурафшон кўчаси томон ўтсангиз яқин-яқингача ташландиқ ҳолда кўча ҳуснига доғ бўлиб турган иморатлар ўрнида бир-бирдан чиройли беш қаватли эгизак биноларга кўзингиз тушади. Кўп қаватли уйлар хонадонларида истиқомат қилаётган одамлар билан суҳбатлашсангиз, кўли дард кўрмасин, барака топкур қурувчилар, роса сифатли қилиб, мазза қилиб яшайдиган уйларни қуришибди, биз улардан жуда миннатдоримиз. Пардоз-андозини бошлаб ўрнига қўйишган. Хонадонимизга келган меҳмонларнинг роса ҳаваслари келяпти. Бизларники сингари хона-

си Баҳодир аканинг “Ўғлим, қаерда бўлма, қайси касбни танлама шу касбга муносиб бўл. Ҳар бир ишни астойдил, виждонан, кам-кўстсиз бажариш одатинг ва шиоринг бўлсин, ҳалол луқмадан ўзгасига кўзинг қирини ҳам ташлама, ана шунда барака топасан, эл-юрт олқишига сазовор бўласан”, деган сўзларини тез-тез эслайди. Бугун у эришаётган ютуқлар ҳам отасининг панд-насиҳатлари маҳсули эканига яна бир қарра иймон келтиради.

Баҳодир ака Ҳайитбоев қарийб қирқ йил қурилиш соҳасида меҳнат қилди. У ёшлигида сафдошлари билан бунёд этган иншоотлар,



Суратда: Сардорбек отаси Баҳодир ҲАЙИТБОВЕВ (чапдан биринчи) изидан борди.

донларда яшашни орзу қилиб кетишаётган, дея гурур билан миннатдорлик билдиришаётганининг гувоҳи бўласиз.

Сардорбек Бозорбоев орқаворотдан бу каби гап-сўзларни эшитаркан, қалби гурур ва ифтихорга тўлади. Кучига куч қўшилиб, томирларида ўзгача ғайрат, ўзгача шижоат жўш уради. Уни янги-янги ютуқлар сари етаклайди. Ота-

ҳашаматли ва муҳташам иморатлар ҳали-ҳануз кўзига оловдек кўринади. Юраги ҳапқириб кетади. Бугун ўғли бош бўлган жамоа томонидан қурилаётган бинолар олдидан у бинолар нечоғлиқ ғариб кўринмасин, барибир юрагининг бир бўлагидек туюлаверади. Мустақиллик йилларига қадар қурилган иморатлар билан бугунги иморатларни солиштиради. Янги биноларнинг меъморий бичимларига узоқ термулади. Ана шундай гўзалликни яратётган бунёдкорлар сафида ўғли Сардорбекнинг борлигидан ич-ичидан севинади.

Бугун пойтахтимизнинг Сирғали тумани улкан қурилиш майдонига айланди. Туман ҳудуди кун сайин кен-

гайиб, чиройига чирой қўшилиб бораётган. Сардорбек Бозорбоев раҳбарлик қилаётган “Бинокор қурилиш таъминоти” хусусий корхонаси қурувчилари тумanning 5-даҳа 1-участкасида 196 хонадонга эга бўлган бешта етти қаватли уйларни сифатли қилиб, замонавий ва миллий меъморчилик усулида қуриб фойдаланишга топширдилар. Уйлардаги хонадонлар соҳиблари қурувчиларнинг меҳнатидан мамнун. Бу уйлар чиройли кўринишга эга бўлиши билан бирга мустаҳкам, унча-мунча зилзилага бардошлилиги билан ҳам олдингиларидан фарқланади. Айни пайтда улар бешинчи даҳанинг 2-участкасида ана шундай уйлардан олтитаси қурилишини жадал суръатларда олиб боришмоқда. Бу уйлар мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Ота изидан бораётган Сардорбек эртанги кун ишқи билан тер тўқади. Қўл остида ишлаётган 550 нафар ишчининг дарди-ташвиши билан яшайди. Уларга қулай ва унумли иш шароитлари яратиш мақсадида елиб-югуради.

Онаси Раъно опа Юнусобод туманидаги 302-умумтаълим мактабида бошлангич синф ўқувчиларига дарс берди. Илк бор мактаб остонасига қадам қўйган мурғак қалбларга зиё улашди. Қўлларига қалам тутиб, ҳарфларни ёзишни ўргатди. Ўқувчилари ҳарф таниганда, бугинлаб ўқий бошлаганда, равон ўқиб илк бор шеърларни мустақил ёд ола бошлаганда қалби қувончга тўлиб, меҳр билан улар бошини силади. Раъно опадан илк сабоқ олган болалар бугун катта-катта идораларда ишлашаётган, тadbirkorлик фаолияти билан шугулланмоқда. Уларнинг айримлари Сардорбекнинг тенгдошлари.

Ўғлини улар сафида кўриб, кўзи қувонади, дили яйрайди.

Болалик кезларида Сардорбек отасига қўшилиб қурилиш майдонига борар, қурувчиларнинг меҳнатини зимдан берилиб кузатарди. Ана шундай кезларда ўзи ҳам қурувчи бўлишни, бир-бирдан чиройли иморатлар қуришни дилига тугиб қўярди. У умумтаълим мактабини тугатиши билан Тошкент шаҳридаги қурилиш коллежида ўқишини давом эттирди. Амалиётни отаси ёнида ўтказди. Бинокорлик сирларидан боҳабар бўлди. Ана шу пайтларда у янги лойиҳалар ҳусусида ҳам бош қотиргани ҳамон эсида.

Сардорбек турли шаҳарларда бўлиб, қадимий меъморчилик анъаналари билан ҳам қизиқди. Айниқса, туризмга бўлган қизиқиши орди. Шу сабабми, дарқалай коллежни тугатгач, ТДИУнинг халқаро туризм йўналишида таҳсил олди. Бу ерда ўқишни давом эттирар экан, ота касбига бўлган қизиқиши сўнмади. Ўқишни тугатгач, тўғри отаси ёнига келди. Ота касбини давом эттирди. Мана орадан йиллар ўтиб, Тошкент шаҳридаги энг зўр қурувчилар сафидан ўрин олди. Давлат дастури доирасида намунавий уйлар қуриб, хонадонлар соҳибларининг олқишига сазовор бўлди.

Сардорбек дам олиш кунлари турмуш ўртоғи Мадина билан фарзандлари Муҳаммадзиз ҳамда Азизахонларни шаҳар бўйлаб сайрга олиб чиқаркан, ўзи раҳбарлик қилаётган қурувчилар билан бунёд этган иморатларни фахр ва гурур билан уларга кўрсатади. Уларда ота-боболари касбига меҳр уйғотади.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист



КОМПЮТЕР ИШЛАШНИ ТЕЗЛАШТИРИШНИНГ 10 УСУЛИ

Ҳамма тадбиркорлар ҳам ўз бизнес-масалари бўйича “Apple” техникасидан фойдаланмайди – бизнинг шароитимизда кўпчилик ҳали хануз Windows ўрнатилган шахсий компьютерлардан фойдаланишни афзал деб билади ёки бунга кўникиб қолган.

Шундай экан, компьютер ишлашнинг тезлаштирувчи 10та умумий усул билан бўлишамиз.

1. Дастурчилар томонидан яратилган файлларни мунтазам равишда “тозалаб” туриш


Ҳар хил иловалар томонидан яратилган вақтинчалик файлларни топиш ва ўчиришга ёрдам берадиган жуда кўп дастурлар мавжуд. Вақт ўтиб, компютернинг ишлашнинг секинлаштирувчи бу кўринишдаги маълумотлар катта миқдорда йиғилиб қолиши мумкин.

2. Компютер ишлаши учун шарт бўлмаган визуал эффектлар ва анимацияни ўчириб қўйиш

Чиройли виджетлар ва эффектлар тизимдан фойдаланишни ёқимлироқ қилишига қарамасдан, улар қўрилма ишини секинлаштиради. Масалан, Windows 7даги “Aero” дизайн компоненти анчагина ресурсларни талаб этади. Унинг ўрнига соддалаштирилган услубдаги стандарт мавзулардан фойдаланган маъқул.

3. Вируслар компютер ишини секинлаштиради

Ёвуз ниятли шахсларга керак бўлган вазибаларни бажариш ва шу билан бирга тизим ресурсларидан ортиқча фойдаланувчи зарарли дастур ва вируслар фон тартибда ишлаши мумкин. Ушбу ҳолатнинг юзага келиши хавфини минималлаштириш учун тўлиқ (яъни, синов муддати белгиланмаган) версияли антивирусли дастурий таъминотлардан фойдаланиш лозим – чунки “триал” версияларда кўпинча фойдаланувчилар ғашига тегувчи ва антивирусли ўчириб қўйишга ундайдиган кўп сонли хабарномалар мавжуд. Бу учун бепул маҳсулот “Microsoft Security Essentials” ёмон вариант эмас. Антивирусли ўрнатилган сўнг унинг соддалаштирилган компютерни мунтазам текшириб туриш ва базаларни юклаш ҳисобга олинганлигига амин бўлиш лозим.



4. Хотира ҳеч қачон кўп бўлмаган

Оператив хотира (RAM)ни “қучайтириш” – компютер ишини тезлаштириш учун бажарилиши энг қулай усул саналади. Муайян бир қўрилма учун керакли хотира турини аниқлашга ёрдам берувчи махсус сервислар мавжуд.

5. SSD-дисклар тезроқ ишлайди

Ушбу усул нафақат шахсий, балки ҳар қандай турдаги компютер ишини тезлаштиришда ёрдам беради. Анъанавий қаттиқ дисклар (HDD – Hard Disk Drive) қаттиқ сиртли сақловчи қўрилмалар (SSD – Solid State Drive)га нисбатан секинроқ ишлайди. Бундан ташқари, бу каби дискларда қўзғалувчи қисмлар йўқ, бу эса компютер ишлашида шовқинни нисбатан камайтиради. SSD-дисклар стандарт сақловчи қўрилмаларга нисбатан қимматроқ, лекин нархлари борган сари пасайиб бормоқда.

6. Кўп сондаги автоматик ишга тушувчи дастурлар ишни секинлаштиради

Кўпинча компютер ишга туширилган пайтида у узок вақт “ўзига кела олмайди” ва одатдагидан секинроқ ишлайди, бунинг сабаби амалий тизим ишга тушганидан сўнг юкланаётган кўп сонли дастурлар ҳисобланади.

Ушбу рўйхатни бошқаришга ёрдам берувчи менюни қақриш учун “Пуск” менюсининг қидирув майдои ёки “Win+R” тугмасини босганимизда очилган “Выполнит” ойнасининг матн сатрига “msconfig” буйруғи киритилади (Windowsнинг сўнгги версияларида бу Ctrl+Shift+Esc клавишалар бирикмаси орқали қақрилувчи “Диспетчер задач” ойнасида жойлаштирилган). Бироқ нотаниш дастурларни

қидирув тизимига киритиб, аҳамиятини ўрганиб кўрмаганингизга қадар ўчириб қўйиш жоиз эмас – улар “тизимли” дастурлар ҳисобланиб, компютернинг тўғри ишлашига таъсир қилиши мумкин.

7. Энг “оғир” ишловчи дастурларни ўз назоратимизга олишимиз лозим

“Диспетчер задач” (taskmgr.exe) ёрдамида жорий ишлаб турган жараёнлар рўйхатини ва уларнинг ҳар бири қанча ресурс истеъмол қилаётганлигини билиш мумкин. “Диспетчер задач”дан фойдаланиш жуда аҳамиятли эмас, лекин самарали. Мисол учун, агар фойдаланувчи кўп бўлимлар (вкладки) очишга олатланган бўлса, баъзи браузерлар ҳар бир очилган бўлим учун алоҳида жараён (процесс) яратади, кейин эса уларнинг орасида кераксиз ҳисобланганлари катта ҳажмдаги хотирани эгаллаб турган бўлиб чиқади. “Диспетчер задач”да ушбу бўлим жараёнини тўхтатиш жорий саҳифада хатолик келтириб чиқаради, бўлимнинг ўзи эса ёпилиб қолмайди ва исталган вақтда унга қайтиш мумкин.

8. Браузер кешини тозалаш

Веб-саҳифаларга мурожаат этганда компютер секин ишлаши бошласа, муаммо қўрилма ёки амалий тизимда эмас, балки браузерда бўлиши мумкин. Кешни тозалаш аксарият ҳолларда браузер ишлашини тезлаштиришга ёрдам беради.

9. Дефрагментация компютер ишлашини тезлаштиришга имкон беради

Компютерни тезлаштириш учун дефрагментацияга муро-

жаат қилишни ҳаттоки “Microsoft”нинг расмий сайти ҳам тавсия этади. Дарҳақиқат, файлларнинг юқори даражадаги фрагментацияси қаттиқ дискнинг қўшимча ишларни амалга оширишига мажбур қилади, бу эса қўрилманинг умумий секинлашишга олиб келади.

“Windows”да маълумотларни тартибга келтириш мақсадида дискларни дефрагментация қилиш учун ўрнатилган воситаси мавжуд – бу дискнинг янада самарали ишлаш имконини беради. Дефрагментация жараёнини фойдаланувчи томонидан ҳамда аниқ бошланиш вақтини белгилаш орқали автоматик ишга тушириш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, дефрагментациянинг SSD-дискларга зарар келтириши ҳақида кўрсатмалар бор. Шунинг учун бу турдаги дискларда ушбу жараёни амалга оширмаган маъқул (ваҳоланки, уларни қўллаб-қувватловчи дефрагментация дастурлари мавжуд, дастурлар кўрсатмаларига аниқ риоя этиш эса жуда муҳим).

10. Вақти-вақти билан компютерни қайта ишга тушириш (перезагрузка)

Компютернинг тўхтовсиз ишлаши билан баъзи дастурлар керак бўлганидан кўра кўпроқ хотира истеъмол қилишни бошлайди – бу эса вақт ўтиши билан компютернинг секин ишлашига олиб келади. Қайта ишга тушириш ортиқча банд бўлиб турган хотирани “бушатишга” ёрдам беради. Бундан ташқари, ишни тўхтатиб қўймаслик учун фойдаланувчи томонидан анча пайт орта суриллаётган янгиланишлар (обновления) компютер қайта ишга тушганидан сўнг (агар улар мавжуд бўлса) ўрнатилди – улар турли хатоларни ёпиши ва қўрилманинг тезлашишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Шухрат МАҲМУДОВ



Кўпинча

компютер ишга туширилган пайтида у узок вақт “ўзига кела олмайди” ва одатдагидан секинроқ ишлайди, бунинг сабаби амалий тизим ишга тушганидан сўнг юкланаётган кўп сонли дастурлар ҳисобланади.



“ХАОМИ” ЯНА БИР ЧЎНТАНБОП СМАРТФОН ТАҚДИМ ЭТАДИ

“Xiaomi” компанияси ўзининг янги смартфонни — “Redmi 6 Pro” га бағишланган тизер чиқарди.



Янги смартфон “Snapdragon 625” процессоридан ишлайди, аккумулятори сизими 4 000 мА/соатга тенг.


“Xiaomi Redmi 6 Pro” шу йилнинг 25 июни куни тақдим этилади, шу куни янги “Mi Pad 4” планшети ҳам омма эътиборига ҳавола этилиши кутилмоқда.

ФИРИБГАР “WALMART”НИ ЧУВ ТУШИРДИ

Аризона штатида яшовчи 23 ёшли Томас Фрадейкер “Walmart” дўконидан сотиб олинган молларни яна қайтариб бериш йўли билан 1,3 миллион долларни ўзлаштирганликда айбланиб ҳибсга олинди.

Йигитни “Walmart” дўконларидан бирида, сотиб олган компютерини қайтариб беришни расмийлаштириб, унинг учун пулни ундириб олишга уринган пайтида қўлга олишди. Кейин аниқлашларича, Томас мулақо бошқа компютерни кўтариб келиб, ўзиникининг ўрнига ўтказмоқчи бўлган.

Тергов маълумотларига кўра, Фрадейкер фирибгарлик фаолиятини охириги бир ярим йил давомида олиб борган ва тахминан 1000 бирликка яқин молни ўзлаштириб юборган. Хомаки ҳисоб-китобларга кўра, у ноқонуний фаолияти ордан 1,3 миллион доллар ишлаган.



ҲАЙРАТЛАНАРЛИ АЛГОРИТМ

“Google” дастурчилари инсон саломатлигини баҳолайдиган ва унинг ўлими санасини айтиб бера оладиган “Medical Brain” номли алгоритм яратишди.

“Google” муҳандислари сунъий интеллектни қўллаган ҳолда Калифорния университети тиббиёт маркази ва Чикаго тиббиёт университетида даволанган 216 000дан зиёд беморларнинг маълумотларини таҳлил қилишди. Таҳлил натижаларига кўра, сунъий интеллект беморларнинг ўлими вақтини 95 фоизга аниқ тахмин қилди. Бу анъанавий ташхис моделидан сезиларли даражада аниқдир.



“LENOVO” 128 ГИГАБАЙТ ТЕЗКОР ХОТИРАГА ЭГА НОУТБУК ЯРАТДИ

“Lenovo” компанияси “ThinkPad P52” ноутбугини тақдим этди. Компютернинг ўзига хос жиҳати унга 128 гигабайт тезкор хотира ўрнатилган. Шунингдек, ноутбукнинг ички хотираси 6 терабайтга тенг.

“ThinkPad P52” 15,6 дюймли 4К дисплей билан жиҳозланган. Ноутбук саккиз ядроли сўнгги авлод “Intel Xeon” процессоридан ва “NVIDIA Quadro P3200” видеокартасида ишлайди.

Июн ойида сотувга чиқадиган ноутбук нархи ҳозирча маълум эмас. Айни вақтда Россияда “Lenovo”нинг энг қиммат ноутбуги 3200 доллардан сотилмоқда, бироқ “ThinkPad P52” ундан анча қиммат бўлиши аниқ.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БМТ Бош Ассамблеяси Фаластин аҳолисини ҳимоя қилиш ҳақида резолюция қабул қилди

БМТ Бош Ассамблеяси Фаластин аҳолисини ҳимоя қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилиб, Исроилнинг ноқонуний амалиётларини танқид остига олди. Хужжат 120 давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Саккизта давлат — АҚШ ва Исроил, шунингдек, Австралия, Микронезия, Маршалл ороллари, Науру, Соломон ороллари ва Того қарши овоз берди.

Эслатиб ўтамиз, 30 март куни Ҳазода Исроил армияси тинч намоёнчиликларни тарқатиш учун қирғин қуроллари ишлатган. Оқибатда 120дан ортқ фаластинлик, жумладан, болалар ҳам ўлдирилган, 12 мингдан ортқ киши яраланган. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раъад Ал-Хусайн фаластинликларни ўлдирилишини ва Фаластин ҳудудини босиб олишни тўхтатишга чақирди.

Сурияликлар Ватанига қайтишмоқда

Туркияда кўним топган минглаб суриялик муҳожирлар ўз уйларига қайтмоқда. Туркия чегара назорати матбуот хизмати маълум қилишича, шу



кунга қалар қарийб 24 минг одам чегарани кесиб ўтган, бу кўрсаткич 50 мингга етиши кутилмоқда.

АҚШ билан ҳамкорлик қилиш шarti билдирилди

Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавод Зарифнинг Iran Daily нашри учун мақоласида ёзишича, мамлакат ҳукумати АҚШ билан, агарда Қўшма Штатлар расмийлари сиёсий принципларни бузиш ва бостириб кириш бўйича таҳдидлар қилишдан тўхтаса, ҳамкорлик қилади. “Агарда АҚШ ҳукумати ўзида ирода топиб, бундай сиёсатдан ҳам сўзла, ҳам амалда воз кечса, унинг глобал изоляцияси тугайди”, — дея ёзган Зариф.

Шунингдек, унинг таъкидлашича, бу шарт бажарилса, дунёда Қўшма Штатларнинг “янги образи” пайдо бўлади. Бу мамлакатга жаҳон ҳамжамия-

тида хавфсизлик ва фаровонликни таъминлаш бўйича биргаликда ишлаш учун йўл очади.

Қозоғистонда МДХ давлатларининг муҳандислик қўшинлари йиғини бошланди

Қозоғистонда МДХга аъзо давлатлар қуроли кучларининг муҳандислик қўшинлари бўлиналари йиғини бошланди. 27 июнга қалар давом этадиган талбирларда Россия, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон қуроли кучларидан жамоалар иштирок этмоқда.

Йиғинлар Қозоғистондаги Қапчагай полигонда ташкиллаштирилган бўлиб, қўшма ҳаракатлар давомида йўл участкаси разведкаси, мина-портловчи тўсиқлар қурилмаси бўйича вазифалар бажарилади. Бундан ташқари, ҳарбийлар МТУ-20 кўприк қўювчини қўллаган ҳолда изли кўприкни ўрнатиш ва ВОС-4 филтрловчи станциясини жойлаштириш бўйича ҳаракатларни бажаради.

Трамп қиролича билан учрашмоқчи

АҚШ президенти Доналд Трамп Буюк Британияга ташрифи вақтида қиролича Елизавета II билан учраша-

ди. Трамп қиролича билан Виндзор қасрида 13 июлда учрашиши тахмин қилинмоқда. “Ҳазрати Олиялари билан учрашув энг муҳими ҳисобланади, чунки у давлат раҳбари”, — деб айтган АҚШнинг Буюк Британиядаги элчиси Вуд Жонсон.

Трамп ўз ташрифи давомида, шунингдек, Буюк Британия бош вазири Тереза Мэй билан музокаралар ўтказади.

Европа Иттифоқи хавфсизлик кенгаши ташкил этилади

Германия канцлиери Ангела Меркел ва Франция президенти Эммануэл Макрон Европа Иттифоқини ислоҳ қилиш бўйича таклифни муҳокама қилишди ва ЕИ хавфсизлик кенгаши ташкил этиш госясини илгариси илгариси қилишди.



Меркелнинг айтишича, мунозаралар ЕИ ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди.

У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади

АКА

Тилимизда оддийгина "ака" деган сўз бор. Бу сўз жигарларга, яқин қариндошларгагина тааллуқли эмас, баъзан бир гуруҳ одамлар бир кишини умумий ном билан "ака" дейиши мумкин. Аканинг қўли узун бўлгани учун эмас, шу жамоага ёки гуруҳга таъсири кучли бўлгани, янаям тўғрироғи устоз бўлгани учун. Устоз кимнингдир бошини силаган, кимнидир ишга олган, кимнидир ҳаётда тўғри йўл топишига кўмаклашган, қийналганида, оёғи тойганда ташлаб, юз ўтириб кетмаган, қайтанга унга бақамти келиб ҳол сўраган, акаларча "биздан нима ёрдам?" деб сўраган. Ўзингиз ўйланг, бу борода таъмагирилик йўқ, далла бор, хайрихоҳлик бор, дўст, жигардек елкани тутиб бериш бор, холос. "Устоз" деймиз. Аммо ўша елкадошлик, яқинлик сабаб беихтиёр "устоз"дан кўра "ака" сўзи енгилроқ тилга кўчади. Хуллас, бу одам кўпларга Ака...

Кўп йил бўлди бунга, мен бир Катта ўтказган Катта йиғинда Катта хатога йўл қўйган эдим. Яъни, биз билган ҳақиқатни Катта билмайди деб ўрнимдан туриб айтиб юборганман. Ўйладимки, жасрат кўрсатдим, деб. Йўқ, ундок эмас экан. Ака ўша заҳоти лабини тишлаб, бошини сарак-сарак

қилди. Иш чатоқ эканини сездим, ичимдан зил кетишга ҳам улгурмай Катта мени саволга тутди. Саволга тутиш асноси "э, бу гўр бола экан-ку" деган хулосага келганини ҳам сездим.

Хуллас, ўшандаги "мардлитим" туфайли аслида хол қўйганимни кўп эслаيمان. Эслайдиган даражада кўп ишлар бўлиб кетди. Яъни, ўтирган ўрнимдан ағдарилиб тушдим. Ўзимни, ўрнимни тўғрилашим учун йиллар керак бўлди. Қайтиб Каттанинг назарига тушиш осон бўлмади. Мақолалар эдим, тавба қилганимни билдиргандай бўлдим, аммо ундан баландроқ қаторга қўшилолмадим. Каттанинг назарида ўша "гўр" одамлим муҳрланиб қолган бўлса, ажабмас. Ахир қанча сувлар оқди, биз назарга илмаган, саводсизлиги, думбуллиги устидан қулганларимиз, мақтанчоқ жўралар ҳаволарга кўтарилиб парвоз қилишди. Тушганлари, ағанаганлари, от чоптириб юрганлари, айнаи вақтда қилмишлари учун жазога мустаҳқ бўлганлари ҳам йўқ эмас.

Йиғиндан чиққанда Ака Каттанинг бу "ҳақиқат"га сира муҳтожлиги йўқлиги, анжуманда қатнашганларнинг барчаси буни аниқ билиши, бироқ, кўрдинг-ку, жим ўтиришганини айтиб танбех берди. Эзилдим.



Ўйладим: демак, Катталарга ҳақиқат керак эмас, ўрни келса-келмаса мақтайвер, панд емайсан, хушомад қилавер, кам бўлмайсан.

Чорак аср муқаддам Ака мени иши юришганлар, Каттанинг назаридаги одамлар қаторига қўшиб қўймоқчи эди. Ўзимдан бўлди, хомлик қилиб қўйдим чоғи. Кўп йиллар таъзимимни едим. Аканинг кўзига ҳам қараёлмай юрдим.

Ким билсин, ўшанда ўзимдан бўлиб оёғим тойиб кетмаганида, аксинча, бирор мартабага ўсганимда, кун келиб Аканинг оёғи сирпанганида қўлаб туришга кучим етарди балки.

Аммо Ака бировнинг далдасига муҳтож эмас экан. Олтимшининг устига кўнганида Каттанинг ёнида юрган казо-казолар келиб тўн ёпишди, ҳурмат-иззатини жойига қўйишди. Ака тоғдек, қоядек тутди ўзини. Шогирдларни айтнинг — бари гиргиттон, Сурхондарёдан, Хоразмдан, Навоийдан келиб табриклашган, хизмат сўрашган. Ака бўлса боз-боягидек — хизматга муҳтожлиги йўқ, тетик, бардам, ҳазилкаш, фотограф Абдугани Жуманинг "диққат!" ишораларига ҳам атайин беўхшов суратларга тушади. Опа-сингил, ака-укаларни бағрига босгиси келади. Шогирдларни асло унутмайди. Қизиги, доим уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туради: ким қаерда, нима иш қилаяпти, ишламаётган бўлса нега ишламайди, рўзғори бутми, нечта фарзандини тўй қилди ва ҳоказо. Тўй-маросимдан қолмайди.

Эътибор берганмисиз, тўй-маросим, аиниқса, ошдан чиққанда, бирпас дўст-ёронлар, қадронлар ўртасида жуда мароқли суҳбат бўлади. Баҳонада кимнинг нимага эришгани хусусида ҳам ажойиб ахборотлар оласиз. Кимларнидир қутлаган бўласиз. Бир қараганда ош ҳам информация майдонини. Ака шундай чоғда нозикроқ, керакли одамларни пойлаб, кутиб, кўришишга ошиққанини кўрмаганман. Ҳар гапигадаги фақир бечора шогирдлари билан иноқ суҳбат куради. Тулпор от миниб юрганида ҳам шундай эди, хачир минганида ҳам.

Аканинг вазиятдан, сўздан тезликда фикр илғаб оладиган одати бор. Одамнинг кайфиятидан, шаштидан ҳам кўп нарсаларни илғайди, баҳолай билади. Лўттибознинг, хушомалдўйнинг, қўлидан мулақо иш келмайдиган ношуднинг олида ҳам бир

маромда, бир хил ҳурмат сақлайди. Қойиллар қоласан одам!

Катта даргоҳда раҳбар бўлиб юрганида ҳамкасбларию шогирдларига қанчалик шафқат, меҳрибончилик, алолат билан ёндашганини тинимсиз гапириб юришади. Кўзгуда кўриниб бадном бўлиб қолаётган, яъни бир қилиги, хатти-ҳаракати Каттага ёқмай ўша лаҳзанинг ўзидаёқ "учиб" кетиши керак бўлган журналистни дарҳол "кадр ортига" оларди, майиб бўлиб кетишига йўл қўймасди.

Айни замонда Ака ўзини хўрлаб қўйдирадиганлардан ҳам эмас. Ноҳадан-ноҳад жабр чекишни хоҳламайди. Ўз вақтида муносиб жавоб бера олади. Бундай вақтда муносиб жавоб бера олади. Шундай кезде Ака лабини бир ялаб олади, дейди бир шогирди. Кейин Аканинг портлаб кетишини кўравиринг. Мўрт, ўзини ҳимоя қилолмай-диган одам бошқасини, жумладан, шогирдларини ҳам ҳимоя қилолмайди. Заковатли, руҳан кучли шахснинг ортидан эргашадилар, ҳурмат қиладилар.

Тулпордан тушиб ҳам пиёда қолгани йўқ, албатта. Бир тармоқ газетасининг обрўйини кўтарди. Ўн йилдан зиёд раҳбар бўлди. У ерда ҳам шогирдлар тайёрлади. Энг муҳими, ўзининг иждоқор сифатидаги маҳоратини тўлароқ намоеён этишга эришди.

Ўзбек эссечилиги Шукур Холмирозавдан иборат эди. Ака буни яна ривожлантирди. Қизиқарли публицистика ва насрга айлантирди.

Сўнги "Мен шоирман, истасангиз шу" деб номланган китобини ўқинг. Гафур Ғулум номдаги нашриёт-матбаат ижодий уйи китобни тўлдирилган шаклда яқинда қайта чоп этди.

Улуғ шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони ҳақида бундай залворли эсдалик ҳали яратилмаган. Эссечиликнинг нақадар Катта имкониятларга эга эканини Ака шу китобда тўла кўрсата олган.

Масъулиятли иш, муносиб ижод, устоз-шогирдчилик, одамгарчиликнинг улғувор намунасини кўрсатиш унча-мунчаннинг қўлидан келмайди. Кел-май-ди! Бироқ Аканинг қўлидан келади! Чунки... кучли одам. Акани айтаман-да. Абдусаид ақани! Ҳа, Кўчимовни!

Собир ЎНАР
"Hurriyat" газетасининг
23 (1085)-сонидан олинди.

● Реклама

Республикамизнинг барча оммавий ахборот воситалари ходимларини 27 июн куни нишонланадиган КАСБ БАЙРАМЛАРИ билан самимий табриклаймиз.

**"Ўзбектелеком" АК
БУХОРО ФИЛИАЛИ
жамоаси**

Сизнинг КЛУБ

(Детектив)

Д.ХОЛЛАНД

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

— Тўсатдан бирор нарсдан шубҳаланиб қолса-чи?
— Унда токи мен ишни тугатганимча диққатини ўзинга тортиб уни чалғитиб турасан, — бамайлихотир деди Жон. — Айтяпманку сенга: қўрқма. Ҳаммаси яхши бўлади...

Ширинликлар тарқатилгандан сўнг, Уотсон ўридан турди ва вино қуйилган биллур графинни қошиқ билан аста тақиллатди.

— Қадрли дўстлар, — ажабланарли баланд овозда деди у, — эътибор қаратишингизни сўрайман. — У эшик олдида турган хизматкорга бош ирғиди. — Марҳамат, Жеймс.

Жон сакраб юборай деди. Бундан ортиги бўлмади. Унинг кайфияти аъло даражада эди. Уни хизматкорнинг исми қизиқтираётган эди. Бундай уйда хизматкорни албатта Жеймс деб чақириб керак, ҳайдовчини эса Патрик.

Нюкомб юзидаги табасум тезда йўқолди. Хизматкор ўзини жуда галати тутарди. У чўнтагидан катта калитни олиб, эшикни кулфлади, шундан сўнг столнинг қарама-қарши тарафидаги бўш курсига ўтирди ва хотиржам меҳмонларга юзланди.

Жон Холлига саволомуз қараб қўйди, кейин Уотсонга назар ташлади. Унинг ички сезгилари биринчи марта яқинлашиб қолган қандайдир фалокатни олдиндан ҳис қилди. Эшикни кулфлаш нега керак? Бу ерда нимадир бор.

— Уйлайманки, барчангиз бизнинг бугунги шарафли меҳмонларимиз билан танишиб олишга улгурдингиз, — давом этди шу дамда Уотсон Жон ва Холлига ишора қилиб. — Мен бизнинг “Сир” клубимизга илк бор ташриф буюрган Малколм ва Патрис Визерспунларни мамнуният билан қабул қилишни истайман!

Даврада гулдурас қарсақлар янгради. Барча жилмайган ҳолда ўғриларга шодон қаради. Юзларида олдиндан кутилган ёқимли ва гайри-

КЛУБ



олдий нималардир акс этиб турарди.

Жон жилмайди. Қўрқиши беҳуда. Асаблар қақшади, дам олиш вақти келди. Ҳеч қандай қўрқинчли жойи йўқ! Отахон ва онахонлар шайтон ва жиноятчилар билан ўйин уйнаш ва кўнгил ёзишга қарор қилишган. Қандай бўлишидан қатъи назар, бола завқ олиши мумкин, жилмайди у. Нюкомбни фақат бир нарсга — бу ўйин узоққа чўзилиб кетгани ташвишга соларди.

— Биз бир неча ўн йиллардан бери ўзаро йиғилиб, пухта амалга оширилган қотилликларни муҳокама қилиб келдик. Биз очиб мумкин бўлмаган жиноятлар ҳақида гапирдик. Бир вақтлар барчамиз ўз ақл-идрокимиз ва билимимиз билан таниқли ва машхур эдик... Сизни зериктириб қўймайман, Малколм, — Уотсон Жонга қаради ва жилмайиб қўйди. — Бу ўйин бизни аллақачон зериктириб бўлган. Назария, билсангиз дўстим, зерикари ва жуда тез жонга тегади.

Биз назариядан амалиётга ўтишга қарор қилдик. Биласизми, қойилмақом қотилликда энг қийини нима? Мос қурбонни топиш... Худога шукр, ниҳоят биз бунга эриша олдик. Барчамиз қанчалар бахтиёр эканлигимизни сўз билан таърифлай олмайман.

Сизнинг ташрифингиз бугунги оқшомдан завқимизни бир неча марта оширди. Бир томондан, бизга ҳеч кимга таниш бўлмаган одамлар керак эди. Бошқа томондан, биз кўчага чиқиб биринчи дуч келган йўловчини ўлдиролмасдик. Шунинг учун унинг ўзи олдимизга келгунича сабр қилишимизга тўғри келди... Маросимларда меҳмонлар чўнтагини осонгина қоқиштира оладиган тажрибали ўғри, — яна нима керак. Яхшиси ўйламанг!..

Дарвоқе, шунинг билинги, ҳеч қанақа Хэнк Мастерсон йўқ. Ҳамма қийинчилик шундаки, ҳар қандай, ҳатто энг кичик хатони ҳам истисно этмаслик керак. Агар сиз уйни танлашда адашган бўлсангиз, сизни ўлдириш бағоят адолатсизлик бўлар эди. Ахир биз нафақат ақлли одамлар, балки адолатли ҳаммиз. Айбисиз кишига зарар етказиш биз учун ножоиз.

Сиз, эҳтимол, бизнинг хизматкорга эътибор қаратгандирсиз? Билиб қўйинг, Жеймс ҳеч қандай хизматкор эмас. Барчаси аксинча. Қондага кўра клубимизда хизматкор родини ҳар доим уй эгаси уйнайди. Ишонаманки, биз бугун унинг уйда йиғилганимизни аллақачон англаб етдингиз. Жеймс энгил қотилликни афзал кўради. Унинг қотилликдаги сеvimли кўроли — заҳар. Унинг нозик табиати шафқатсиз зўравонликка

қарши. Айтмоқчиманки, бу кўпчилигимизни ранжитадди. Сиздан чап томонда, Патрисия, доктор Шварцкопф ўтирибди. — Уотсон кечки овқатгача Холлидан кўзини узмаган ўша тақирбош эркакни кўрсатди. — Заҳарни доктор олиб келди ва Жеймсга дозасини қандай тўғри ҳисоблашни айтди. Сўрашингиз мумкин, нима учун биз бу комедияни тугатиб, ҳаммасига бирданга барҳам бера қолмадик? Биз шунчаки меҳрибон одамлармиз ва шу боис кечки овқатдан ҳузурланиб олишингизни истадик, азизим.

Кутилмаганда Холлининг нафас олиши қийинлашди. У хириллади ва бор оғирлиги билан Жон томон йиқилди. Жон унга ёрдам бермоқчи бўлди, аммо унинг ўзи ҳам қимирлай олмади. Кўз олдида қалинлашган туман ичра Уотсоннинг сўзлари етиб келди.

— Жаноблар, қадаҳ сўзимни давом эттирмоқчиман. Ахир биз ҳаммамиз бу ажойиб сўзларни айтиш имконига эга бўлишни жуда узоқ кутдик.

“Сир” клуби аъзолари баравар ўринларидан турарди ва қадаҳларни кўтаришиб, жўровозлик билан қадаҳ сўзи айтишди: — Ўз ишини қилган хизматкор учун!

Сумонжон ЙЎЛДОШЕВ таржимаси



Сизнинг ташрифингиз бугунги оқшомдан завқимизни бир неча марта оширди. Бир томондан, бизга ҳеч кимга таниш бўлмаган одамлар керак эди. Бошқа томондан, биз кўчага чиқиб биринчи дуч келган йўловчини ўлдиролмасдик. Шунинг учун унинг ўзи олдимизга келгунича сабр қилишимизга тўғри келди...

ҚИСҚА ҲИКОЯЛАР

Алан Е.Майер

Омадсизлик

Ўзимга келганимда бутун баданим қақшаб оғриётганди. Кузимни очиб тепамда этилиб турган ҳамширани кўрдим.

— Жаноб Фужима, — деди у, — омадингиз бор экан. Икки кун илгари Хиросимага атом бомбаси ташланганди, сиз тирик қолдингиз.

Ундан аста сўрадим:

— Ҳозир қаердаман?
— Нагасакида.

Чарлз Энрайт

Арвоқ

Автоҳалокат содир бўлишгаёқ у ҳақда хотинимга айтиш учун уйга шошилдим. Аммо у мени эшитмаётгандек эди. У ҳаттоки мени кўрмасди ҳам. У телевизорни ёқди. Шу пайт телефон жинглиди. Хотиним гўшақни кўтарди. Бирдан унинг афти буришди ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

Тина Милберн

Қарор

У озодлик эшиклари ёпилганини англади. Эркинликдан бир умрга айрилди, энди унинг тақдири бегона қўлларда.

У узоқ-узоқларга учиб кетишни хаёл қиларди. Аммо бунинг имкони йўқлигини билиб турарди.

У куёв томонга қаради ва “Турмушга чиқишга розиман” дея пичирлади.

Дилшодбек АСҚАРОВ таржимаси

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ТУРИЗМ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Давлат фельдгерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида бўлиб ўтган навбатдаги маърифат дarsi "Туризмни ривожлантириш — мамлакатимизнинг иқтисодий таянчи" мавзуга бағишланди.

Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадимжолари кўплиги бўйича 10та етакчи мамлакат қаторидан ўрин олган. Мамлакатимизда тарихий ва маданий ёдгорликлар бир талай. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шах-

рисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Юртимиздаги 900га яқин сайёҳлик ташкилоти, 600дан зиёд замонавий меҳмонхона, 300га яқин сайёҳлик компанияси ва бошқа сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини замонавий талаблар, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Туристлар учун мўлжалланган дам олиш масканлари мамлакатимизда йил сайин кўпайиб, хизмат кўрсатиш турлари ва сифат ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда сайёҳликнинг экотуризм, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат, экстремал, археологик, спорт, фольклор-этнографик, тиббий ва рекреацион туризм, агротуризм, геотуризм каби турлари ҳам жадал ри-

вожланмоқда. Сайёҳлар орасида алпинистлар, чанги спортга қизиқувчилар кўпаймоқда. Шу боис ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида туризм тармоғини самарали рағбатлантириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида ДФХ ходимларидан 30 нафари май ойида Хива шаҳрига саёҳатга юборилди. Президент фармони билан байрамларда дам олиш кунлари узайтирилмоқда. Шундай кунларда ходимларга оила аъзоларини ҳам республикамизнинг тарихий масканларига олиб бориш тавсия этилди.

Ш.ШОҲАКИМОВ,
ДФХ подполковниги



ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҲАММИНГ ҲАММИНГ НАТИЖАЛАРИ

Шу кунларда Россияда футбол бўйича Жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтмоқда. 14 июн кунидан бошланган чемпионатда 21 июн санасига қадар гуруҳ босқичининг бир қатор ўйинлари бўлиб ўтди. Дастлабки турда қатор фаворит жамоаларнинг очко йўқотиши кутилмаган ҳол бўлди.

Натижалар билан танишинг:

"А" гуруҳи, 1-тур
Россия — Саудия Арабистони — 5:0
Миср — Уругвай — 0:1
2-тур
Россия — Миср — 3:1
Уругвай — Саудия Арабистони — 1:0

"В" гуруҳи, 1-тур
Марокаш — Эрон — 0:1
Португалия — Испания — 3:3
2-тур
Португалия — Марокаш 1:0
Эрон — Испания — 0:1

"С" гуруҳи, 1-тур
Франция — Австралия — 2:1
Перу — Дания — 0:1

"D" гуруҳи, 1-тур
Аргентина — Исландия — 1:1
Хорватия — Нигерия — 2:0

"E" гуруҳи, 1-тур
Коста-Рика — Сербия — 0:1
Бразилия — Швейцария — 1:1

"F" гуруҳи, 1-тур
Германия — Мексика — 0:1
Швеция — Жанубий Корея — 1:0

"G" гуруҳи, 1-тур
Белгия — Панама — 3:0
Тунис — Англия — 1:2

"H" гуруҳи, 1-тур
Колумбия — Япония — 1:2
Польша — Сенегал — 1:2

Ҳозирча, "А" гуруҳида Россия ва Уругвай терма жамоалари мудатидан аввал нимчорак финалга чиқди. 3-турда ушбу жамоалар гуруҳда 1 ва 2-ўрин масаласини ўзаро ўйинда ҳал қилиб олишади.

ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

МАҲАЛЛАМИЗ МОМОСИ

Марғилон шаҳрининг "Узумзор" маҳалла фуқаролар йиғини Садоқат кўчасида истиқомат қилаётган 107 ёшли Ҳанифа момо Банноповани зиёрат қилиш ниятида унинг хонадонида бўлди. Чоғроққина хонада фарзандлари, неваралари чеваралари қуршовида ўтирган момонинг юзига табасум югурди, бошидаги рўмонли тартибга келтириб, ҳол-аҳвол сўради. Момонинг жуссаси қартайган бўлса-да, қалбида шижоати мужассам, ҳаётга бўлган муҳаббати мустаҳкам эди. Бир асрни кўрган табаррук онахоннинг машаққатли ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикояларни эшитсангиз, ундаги метин бардошга, меҳнатсеварлик ва

инсонпарварликка ҳавасингиз келади. 1911 йилда туғилган момонинг ёшлик йиллари гоят қийинчиликда кечган.

— Болалигимда елкамда кетмон, қўлтигимда бир турда нон солинган халта билан даладан бери келмасдим, — дейди Ҳанифахон ая. — Бутун умрим меҳнатда ўтди. Турмуш ўртоғим Аминжон Баннопов ҳам ҳалоллик бобида ҳаммага ибрат бўлгулик умрни яшаб ўтди.

Ҳанифа момо бир ўғил ва бир қизни ҳам деҳқончилик қилиб, ҳам кўрпа қавиб, машаққат билан вояга етказди. Етти неваралари, олти чеваралари онахонни ҳаммаша эъзозлашади. Ҳозирги

кунда келини, набиралари ардоғида кексалик гаштини сўраётган момони зиёрат қилувчилар кўп. Ҳар бир меҳмони ардоқлаб, суюниб шундай дуо қилади:

— Биз кўрган кунлар сизлар учун энди эртақларга айлансин, илоё! Мустақилликнинг қадрига етинглар, Ватанни севинглар, тупроғини кўзга суртинглар, бу дунёда тинчлик, осейишталикдан улгурок бойлик йўқ! Юртбошимиз доимо омон бўлсин. Осуда, тинч, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин, юртимиз бундан-да гуллаб-яшнайсин.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ
Фарғона вилояти

26 июн — Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш кўни

ДАРДИ БЕДАВО

Гиёҳвандлик ривожланаётган организмлар учун энг зарарли ва ҳаёт учун хавфлидир. Гиёҳвандлик — оддий касаллик эмас, балки одамнинг руҳиятини бутунлай агдар-тўнтар қилиб ташлайдиган, одам ҳаётини ҳам иқтисодий, ҳам психологик жароҳатлайдиган дарди бедаводир.

Аср вабоси дунёда минглаб оилаларни қувончдан айираётгани сир эмас. Айниқса, бу огу таъсирида ҳомила вақтидаёқ заҳарланиб улгурган гўдакларнинг туғма нуқсонлар билан дунёга келиши оғриқ нуқталарни кўзатиб юборади. Ногиронликнинг азобини ҳали чақалоқлигидаёқ туяётган гўдакларга қараб гиёҳвандликнинг қиёфасини кўргандек бўласиз, бу жирканч иллат илдизини топишга интила-

сиз. Гиёҳвандликнинг олдини олиш, бу иллатга қарши курашишда кутубхона ходимлари ҳам шу мавзудаги адабиётларни тарғиб этиб, давра суҳбатлари, билимдонлар беллашуви, савол-жавоб кечалари, адабиётларнинг очиқ кўргазмалари кабиларни ўтказиб келмоқда. Бундай тадбирлардан мақсад гиёҳвандлик иллатининг асл моҳиятини китобхонларга етказиш орқали аср муаммосига қарши курашга кенг халқ оммасини жалб этишдир.



Ж.ЯДГАРОВА,
Алишер Навоий номидаги
Сирдарё вилоят
АКМ бўлим мудири

Эълон!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ "FORT PRO TECHNOLOGY" масъулияти чекланган жамиятининг (Сирдарё вилояти):

- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2017 йил 5 апрелда берилган АА серияли 0006140 рақамли;
- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2017 йил 5 апрелда берилган АА серияли 0006141 рақамли лицензияларнинг амал қилиши юридик шахсининг фаолияти тугатилганлиги муносабати билан 2018 йил 18 июндан тугатилди.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЖУРНАЛИСТЛАР!

● Реклама

Фахрийлик ажойиб давр — вақтнинг қандай ўтаётганини билмайсан. Ҳали тўй, ҳали тадбир, ҳали бирор корхонада ёшлар билан учрашув. Соғлигингда муаммо бўлса, дарров фарзандларинг ёрдамга келади. Ана шуларни ўйлаб, шундай кунларга етказганига шукр қилиб ўтириб, шогирдларимдан бири тўйга айтгани эсимга тушиб қолди. Дарров тақвимга қарадимиз кўзим биринчи навбатда 27 июн санасига тушди. Юрагим ҳаприқди, ахир бу кун Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами-ку!



кил этиш, деган қарорга келдик.

Газета ташкил қилишнинг ҳам ўзи бўлмайди, қанчадан-қанча ҳужжатлар, низом тайёрлаш, таҳририят учун жой, жамоани шакллантириш, маблағ масаласи... Эндигина мустақил бўлиб, ўнлаб муаммолар гирдобидан тараққиёт сари илк одим ташлаётган соҳа учун бу осон иш эмасди. Бироқ аниқ мақсадни кўзлаб ишга киришдик. Барча тайёргарлик ишларини тугатгач, ниҳоят, 1992 йилнинг 21 мартда вазирлигимиз нашри — "XABAR"нинг нишона сони чиқди.

Газета таҳририяти зиммасига эса биринчи навбатда вазирлигимиз сиёсатини соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир ходимга етказиш, ўзгариш ва янгиликлардан уларни хабардор қилиш, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш йўлида фидокорона, тунни тонгга улаб меҳнат қилаётган алоқачилар ҳаётига оид мақола, корреспонденция, лавҳа, очерклар ёзиб, уларни янгидан-янги марралар сари чорлаб туриш, шунингдек, дам олиш саҳифаси орқали кайфиятини кўтаришдан иборат эди.

Мана, 26 йилдики, таҳририят жамоаси зиммасига юклатилган вазифани тўлиқ уддалаб келяпти. Бу биргина менинг фикрим эмас, албатта.

Гап шундаки, ҳар ойнанинг маълум бир кунда "хабарчилар" таъбири билан айтганда, умрини алоқа соҳаси ривожига бахшида этган "алоқа дарғалари" йиғилишиб, дам олишади. Бу йиғинда соҳада кейинги йилларда амалга оширилаётган муҳим ўзгаришлардан тортиб, мавжуд муаммолар ва албатта ҳар биримиз учун қадрли "Xabar" газетаси ҳақида ҳам гап боради.

Биз таҳририят журналистлари газета қандай ниёт билан ташкил этил-



Яқинлашаётган

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари кун билан мамлакатимизнинг
барча ижод аҳлини қутлаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ

СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

гани ва зиммасига қандай вазифалар юкланганини яхши билган ҳолда фаолият олиб бораётганини эътироф этамиз. Ютуқларидан қувониб, айрим фикрлар бўлса, таҳририятга қўнғироқ қилиб, уларни баён этамиз. Таҳририят жамоасига раҳмат, бизнинг фикрларимиз асосида қатор рухлар остида мақолалар ёзиляпти.

Бизни қувонтирадигани, газета ташкил қилинган пайтга қараганда ҳам ҳажм, ҳам мазмун жиҳатидан анча такомиллашди. Газетадан нафақат Ўзбекистон, балки хориздаги янгиликлар, илм кишилари ҳаётидан лавҳалар, янги технологиялар, уларни моҳирлик билан бошқараётган алоқачиларимиз ҳақидаги, шунингдек, бугунги куннинг бошқа долзарб мавзуларида истаганча мақолалар ўқиш мумкин.

Таҳририятнинг яна бир ютуғи — xabar.uz ахборот-таҳлилий портали-

ни мутлақо янги кўринишда ишга туширгани бўлди. Сайтга кунига 60-70 минг ўқувчининг ташириф буюриши эътиборга лойиқ.

Мен ўзим ва мен билан бир сафда, бир мақсад йўлида меҳнат қилган барча сафдошларим номидан республикаимизнинг барча журналистларини, улар қаторида "Xabar" газетаси ижодий ходимларини кириб келаётган касб байрами — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан чин дилдан муборакбод этаман. Ишларига ривож, ўзларига мустақкам соғлиқ тилайман.

Ижодингиз янада барқ ураверсин, азизлар, дегман.

Комилжон РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими, Халқаро алоқа академияси академиги

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини
вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Азим АХМЕДҲАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ,
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

Газета
ҳафтанинг
жума кунини
чиқари

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-643 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.
Адали: 3388 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,
Толдимуҳаммад кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Усмонов ЙҮЛДОШЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (0365)600-87-21 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукуса 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 291-43-28 Урганчда (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99